

2025 ЙИЛ – АТРОФ-МУҲИТНИ АСРАШ ВА “ЯШИЛ” ИҚТИСОДИЁТ ЙИЛИ

2020 йил 25 январдан чиқа бошлаган

Миллий тикланишдан — миллий юксалиш сари

ЯНГИ

ЎЗБЕКИСТОН

Ижтимоий-сиёсий газета

№ 14 (1340), 2025 йил 21 январь, сешанба



www.yuz.uz



yuz.uznews



yuz_official



yuz.uz_news



МОЛИЯВИЙ ИНТИЗОМ ВА ТЕЖАМКОРЛИК — МАБЛАҒЛАР МАҚСАДЛИ ИШЛАТИЛИШИ ГАРОВИ

Президент Шавкат Мирзиёев жорий йил 20 январь куни Ҳисоб палатаси томонидан 2024 йилда амалга оширилган ишлар ва 2025 йилги асосий вазифаларга оид тақдимот билан танишди.

Маблағларнинг мақсадли ишлатилиши ва дастурлар самарадорлигида молиявий назорат муҳим. Сўнгги йилларда Ҳисоб палатасининг иш услуби ўзгартрилиб, ҳудудларда бюджет интизомига кўмак берувчи ҳамкор идорага айлантирилди. Олдинги текширув тизими ўрнига халқаро стандартлар асосида аудит тизими жорий қилинди. Жаҳон банкининг “Ташқи аудит индикатори”да Ўзбекистон “яхши” даражага кўтарилди.

2024 йил 10 июлда Ўзбекистон Президентининг “Бюджет маблағларидан фойдаланиш устидан молиявий назоратни кучайтириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”-ги фармони қабул қилинди. Унда вазирлик ва давлат идораларида ички аудит тизимини такомиллаштириш, соҳани рақамлаштириш, консолидациялашган бюджет ижросини ташқи аудитдан ўтказиш каби вазифалар белгиланди.

Рақамли трансформация жараёни амалга оширилмоқда. “Масофавий аудит” автоматлаштирилган ахборот тизими жорий қилиниб, унга 34 та вазирлик ва идора боғланган.

2024 йилда Ҳисоб палатаси янги манбалар ҳисобидан 3,7 триллион сўм бюджетта қўшимча тушумларни таъминлади. Вазирлик ва идораларнинг 9,2 триллион сўмлик самарасиз харажатлари мақбуллаштирилди, 2,3 триллион

сўмлик молиявий камчиликлар олди олинди. Давлат харидларига оид 4,5 триллион сўмлик камчиликлар бартараф этилди.

Бундай амалга оширилаётган тизимли ишларни жорий йилда ҳам изчил давом эттириш зарур.

Жумладан, “Масофавий аудит” автоматлаштирилган ахборот тизимига 110 та вазирлик ва идоранинг маълумотлар базаси интеграция қилинади. Бу орқали жорий йилда 480 триллион сўмлик бюджет харажатлари мониторинги тўлиқ қамраб олинади.

Бюджетта қўшимча даромад манбаларини аниқлаш, молиявий ва бошқа хавфларнинг олдини олиш доимий вазифа ҳисобланади. Давлат улуши бор корхоналарнинг молиявий фаолиятини доимий мониторинг қилиб бориш ҳам муҳим.

Жорий йилда бюджетта 309 триллион сўм даромадлар тушишини таъминлаш чоралари қўрилади. Халқаро молия институтлари маблағлари ҳисобидан амалга оширилаётган лойиҳаларни халқаро стандартлар асосида аудитдан ўтказиш амалиёти бошланади.

Президент барча давлат идораларида молиявий интизом ва тежамкорликка қатъий амал қилиниши зарурлигини таъкидлади.

ЗАМОНАВИЙ ТИББИЙ ХИЗМАТ АҲОЛИ САЛОМАТЛИГИНИ МУСТАҲКАМЛАШ УЧУН МУҲИМ

Давлатимиз раҳбари тиббиёт муассасаларини жиҳозлаш ва хизматлар сифатини оширишга доир таклифлар тақдимои билан танишди.

Аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш ва даволаш сифатини ошириш мақсадида шифохоналар замонавий ускуналар билан таъминланмоқда. Бунинг учун бюджетдан ҳар йили камида 100 миллиард сўм ажратилапти. Шунингдек, ўтган йилнинг ўзида тиббиётни юқори технологик ускуналар билан таъминлаш учун 200 миллион доллар хорижий инвестиция, 94 миллион доллар грант жалб қилинди.

Натижада олдин фақат республика муассасаларида бўлган компьютер томографи, магнит резонансли томограф, ангиографлар ҳозир вилоятларда, ўнлаб туманларда ҳам бор. Бу ихтисослашган хизмат аҳолига янада яқинлашди, дегани.

Жорий йил ушбу мақсадларга давлат ҳисобидан 200 миллиард сўм ажратилган. Шунингдек, тиббиётга 370 миллион доллар хорижий инвестиция киритилиши мўлжалланган.

Тақдиротда тиббиёт муассасаларини жиҳозлаш бўйича режалар баён этилди. Хусусан, Осиё тараққиёт банкининг 100 миллион доллар маблағи эвазига республикадаги 230 та тугуруқ муассасаси учун 45 турдаги 21 мингта тиббий ускуна ва 6 та реанимобиль харид қилинади.

Германиянинг KfW банкнинг 30 миллион евро маблағи ҳисобига Қорақалпоғистон ва Хоразмдаги 19 тадан тиббиёт муассасаси юрак-қон томир касалликларини даволовчи 862 та ускуна билан жиҳозланади. Яна шу банкнинг 13,5 миллион евро гранти орқали Термиз шаҳрида ўқув маркази, талабалар турар жойи қурилади. Бу марказ замонавий ўқув-симуляция ва ахборот технологиялари билан жиҳозланади.

Давлатимиз раҳбари жиҳозлаш бу масаланинг фақат бир қисми экани, уларда ишлай оладиган малакали мутахассисларни ҳозирдан тайёрлаш кераклигини таъкидлади. Тегишли муассасалардаги шифокор ва ҳамшираларни қўшимча ўқитиш вазифаси қўйилди.

Ускуналардан самарали фойдаланиш ҳам муҳим. Масалан, вилоятларда ангиографлар юкломаси ўртача 34 фоиз. Томограф бўйича ҳолат ҳам ҳар хил.

Шу бос, ҳокимликлар билан бирга давлат шифохоналаридаги юқори технологик ускуналардан самарали фойдаланиш бўйича аутсорсинг ва хусусий шериклик лойиҳалари йўлга қўйилиши белгиланди.

Инсон қадри учун ЎҒЛОН ЎЗИНГ, ДАРМОН ЎЗИНГ! Бир йиғилиш тафсилоти ва таассуроти



Умрнинг кузагидаман. Эхтирослар тиниб, хазон ҳиди уфур бошлаган шу паллада бунчалар мутаассир бўламан деб ўйламаган эдим. Ҳа, ҳиссиёт асов дарё ўлароқ вужудни у қирғоқдан бу қирғоққа итқитгандек мувозанатни тиклаб олишга йўл бермапти. Наҳотки, неча-неча даврлар ўтиб, энди бу масаланинг бори моҳиятига етаямиз дея ўзимга ҳаяжон аро саволлар бераман.

Кулгим остида жаранлаётган ўктам овоз, дадил фикр, ёлқинли муносабат ва қатъият, ижро учун пайдар-пай берилаётган амалий топшириқлар ҳушёр тортирадди. Беихтиёр онг остидаги хотиралар, кечмишлар қиёста келади, онг устидаги қабул қилаётганинг маълумот-ахборотлар ўтмиш манзараларини жонлантиради. Райсобес, ВКК, деган идора, комиссиялар эшигида турган адоқсиз навбатлар, бетоқат бақир-чақирлар, ҳасса ё қўлтиқаёқ тутган одамларнинг эшикма-эшик сарсонлиги, “Агар оладиган нафақангизнинг 2-3 ойлигини ўша собесу ВКК комиссияси масъуларига қўйсангиз, масала ижобий

ҳал бўларкан”, дея тарадудланиб турган кексаё ёш ногиронлар, бошида йиллар бўйи ўралавериш тақир тортган жун рўмоли, эгнида унққан қора духоба нимчаси, оёғида эски каллиш билан қўлида бир даста “справка” ҳамда шахсини тасдиқловчи ҳужжатларни тутганча турган муштирап одми аёллар хаёл кўзгусида жонланади...

Каминани ана шу хотира ва ҳажонлар гирдобига солган воқеа — йиғилиш 2024 йил 13 декабрь куни Ўзбекистон Президентини раислигида бўлиб ўтди. Мажлис кун тартиби ижтимоий ҳимоя ва Ижтимоий ҳимоя миллий агентлигининг устувор вазифалари масаласи эди.

► Давоми 6-бетда

Янгича ёндашувлар



НЕСИ ДАСТУРИ

ИНСОНИЙЛИК, АХЛОҚ, ИЖОДКОРЛИК ВА ТАСАВВУР ҚОБИЛИЯТИНИ УЙҒУНЛАШТИРИБ, АГРАР СОҲА САМАРАДОРЛИГИНИ ТАЪМИНЛАЙДИ

Жаҳон миқёсида замонавий технологиялар яшин тезлигида ривожланыпти. Бу ривожланиш асосида таълим ва тармоқларда STEM — Science, Technology, Engineering and Math дастурлари ва технологиялари жорий қилинаётгани боис, мураккаб жараёнлар осон, самарали кечяпти. Таълим дастурларимиз боғчадан то олий таълимгача STEM элементлари билан бойиб бормоқда. Ёш авлодда муҳандисликка бўлган қизиқиш тобора ортиб, “ақлли” технологияларнинг эркин фойдаланувчисига айланиб бораётганига ҳар биримиз гувоҳмиз.



Маълумотларнинг катта ҳажмдаги тўплами, уларни алмашишдаги юқори тезлик, сунъий индук пайдо бўлиши, робототехника, биотехнология ва космик тадқиқотлар каби соҳалардаги янгиликлар нафақат иқтисодий ўсишни таъминламоқда, балки инсон ҳаёти сифатини ҳам сезиларли даражада яхшиламоқда.

Албатта, замонавий ҳаётни илм-фан ва таълим тараққиётисиз тасаввур этиб бўлмайди. Ҳозирги даврда қайси соҳа бўлмасин, унинг ривожланиши учун, авваламбор, замонавий таълим тизими ва илгор илм-фаннинг узвий тараққиёти муҳим аҳамиятга эга. Чунки илм-фан ва инновацияларга, технологик ютуқларни кенг жорий қилишга инсон капиталини йўналтирмасдан, шахснинг фикрлаш қобилияти ва тажрибасига эътибор қаратмасдан ҳақиқий ва барқарор натижаларга эришиш қийин.

► Давоми 3-бетда

Маҳмудхўжа Бөхбудий таваллудининг 150 йиллиги



ЖАДИДЛАР МЕРОСИ — МИЛЛИЙ ЎЗЛИК ЧАШМАСИ

МИЛЛАТ МАНФААТИ УЧУН КУРАШЧИ

Мустақиллик, эркинлик, тинчлик, миллий ўзлиқни англаш, ўз она тилида сўзлаш, таълим олиш, фикрини ҳеч кимдан қўрқмай баралла айтиш... Энди булар биз учун оддий ҳолат, кундалик турмуш тарзимизга айланди. Бироқ доим бундай бўлмаган, эрк деган овозлар бўғилган, гўзал Туркистоннинг гуллари сўлдирилган, чамалари барбод этилган, миллатнинг энг зиёли, етакчи қатлами — жадидлар отиб ташланган. Бу унутиб бўлмас тарих.

Бугун тарихимизнинг энг мураккаб, синовили даври, жадидларнинг бебаҳо мероси ўрганилиши, ёшлар ўртасида тарғиб қилинишига катта эътибор қаратилмоқда. Президентимизнинг “Туркистон жадидлик ҳаракатининг асосчиси, атоқли адиб ва жамоат арбоби, ношир ва педагог Маҳмудхўжа Бөхбудий таваллудининг 150 йиллигини кенг нишонлаш тўғрисида”ги қарори шу йўлдаги катта воқелик бўлди.

Маҳмудхўжа Бөхбудийнинг ҳаёти ва фаолияти ўз даврининг ижтимоий-сиёсий шароитлари билан чамбарчас боғланган. XX аср боши Ўзбекистон

тарихининг низоҳатда мураккаб ва синовили давридир. Шу даврда майдонга чиққан Туркистон жадидлик ҳаракати асосчиси Маҳмудхўжа Бөхбудий чор ҳукумати ва маҳаллий мутаассиб кучларнинг мислсиз қаршилигига қарамай, биринчилардан бўлиб “ҳар бир мамлакат халқининг тараққиёти ва таназули, ҳаёт ва мамоти мактаб масаласига боғлиқ”лигини англаган ҳолда 1903 йилда Самарқанд яқинидаги Халвойи ва Ражабамин кишлоқларида янги мактаблар ташкил этгани таҳсинга сазовор. Шу билан бирга, мактаблар учун зарур дарсликлар яратди, кутубхона, нашриёт ва театрлар фаолиятини



йўлга қўйди. Моҳир публицист сифатида ўз даврининг долзарб масалаларига бағишланган қатор салмоқли асарлар ва икки юздан ортиқ мақола ёзди. Бу миллий журналистика тарихини ўрганиш, ўша давр кайфиятини ҳис қилишдаги беқиёс манбадир. Шунингдек, “Самарқанд” газетаси ва “Ойина” журналини таъсис этди. 1914 йилда “Турон” театрида сахналаштирилган “Падраркуш” пьесаси билан мамлакатимизда театр санъатига асос солди.

► Давоми 5-бетда

Бугун соғлиқни сақлаш соҳаси энг илгор ёндашувлар асосида ислох қилинмоқда. Тиббиётнинг бирламчи бўғинида касалликларни эрта аниқлаш ва даволаш борасида сезиларли қадамлар қўйилапти. Айниқса, Президентимизнинг кенг жамоатчилик муҳокамаси учун эълон қилинган “Ўзбекистон — 2030” стратегиясини “Атроф-муҳитни асраш ва “яшил” иқтисодиёт йили”да амалга оширишга оид давлат дастури тўғрисида”ги фармони лойиҳасида бу борада устувор вазибалар белгиланган. Жумладан, фармон лойиҳасига асосан, 2025 йил 1 ноябрга қадар тиббий сўғурта механизмлари жорий қилинаётган ҳудудларда рецепт асосида бериладиган дори-дармонларни “электрон рецепт” тизими асосида бериш амалиётини йўлга қўйиш белгиланмоқда.

Рисолат МАДИЕВА,
“Янги Ўзбекистон” мухбири

2024 йил 5 сентябрда давлатимиз раҳбарининг тиббий сўғурта механизмлари жорий этишга доир қарори қабул қилинган эди. “Давлат тиббий сўғуртаси механизмлари жорий этишга оид чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарорда белгилаб қўйилганидек, давлат тиббий сўғуртаси доирасида бепул тиббий хизмат кўрсатиш ва дори-дармонларни тақдим этиш давлат бюджетига тўланаётган солиқлар ҳисобидан амалга оширилади. Бунда аҳолидан давлат тиббий сўғуртаси учун қўшимча тўлов ундирилмайди.

Беморларга дори-дармон шифокор расмийлаштирган электрон рецепт асосида тиббий ёрдамнинг қафолатланган пакети доирасида дориҳоналар томонидан бепул берилади, сарф-харажати эса Давлат тиббий сўғуртаси жамғармаси маблағи ҳисобидан қопланади.

Сифатли тиббий хизматни аҳолига яқинлаштириш, ҳаёт сифати ва умр давомийлигини ошириш мақсадини кўзда тутган ушбу тизим 2022-2024 йилларда Сирдарё вилоятида синовдан ўтказилди. Ҳозир эса Сирдарё вилояти билан бирга Тошкент шаҳрида ҳам амалиётга татбиқ этилаётир. Унга кўра, бемор ўзига яқин дориҳонадан дори-дармонни оилавий шифокорнинг электрон рецепти (реимбурсация) асосида олиши мумкин.

“Реимбурсация” инглизча сўз бўлиб, “харажатларни қоплаш” деган маънони англатади. Бу аҳолини дори-дармон билан таъминлашда сурункали касалликларни даволаш учун шифокор тавсия этган дори-дармон харажати мақсадли компенсация қилишни назарда тутади. Мазкур дастур беморга оилавий шифокор ёзган электрон рецепт асосида дориҳоналар орқали дори-дармонни бепул олиш имконини беради.

Давлат дастури лойиҳаси муҳокамада

ЭЛЕКТРОН РЕЦЕПТ

СУРУНКАЛИ ХАСТАЛИККА ЧАЛИНГАНЛАРГА 27 ХИЛ ДОРИ-ДАРМОН БЕПУЛ БЕРИЛАДИ

“Тиббий сўғурта механизми жорий этилган ҳудудларда сурункали касалликлар бўйича диспансер назоратидаги беморларга электрон рецепт асосида зарур дори-дармон мунтазам етказиб берилмоқда. Бундан кўзда тутилган мақсад эса сурункали касалликларни тизимли равишда даволашни йўлга қўйиш, касалликларнинг олдини олиш ва дори таъминотини яхшилаш орқали аҳолини молиявий ҳимоялаш ҳамда юртдошларимизнинг саломатлигига масъулиятини оширишдир.

УШБУ МАҚОЛАНИ ҚОРАҚАЛПОҚ ТИЛИДА ҲАМ ЎҚИШ УЧУН QR-КОДНИ СКАНЕР ҚИЛИНГ!

Электрон рецепт, яъни реимбурсациянинг моҳияти нимада? Қандай мақсад кўзда тутилган?

“Реимбурсация” инглизча сўз бўлиб, “харажатларни қоплаш” деган маънони англатади. Бу аҳолини дори-дармон билан таъминлашда сурункали касалликларни даволаш учун шифокор тавсия этган дори-дармон харажати мақсадли компенсация қилишни назарда тутади. Мазкур дастур беморга оилавий шифокор ёзган электрон рецепт асосида дориҳоналар орқали дори-дармонни бепул олиш имконини беради.

компенсация қилишни назарда тутади. Мазкур дастур беморга оилавий шифокор ёзган электрон рецепт асосида дориҳоналар орқали дори-дармонни бепул олиш имконини беради. Харажатлар давлат бюджетига маблағи ҳисобидан жамғарма орқали қоплаб берилади. Бу аҳолининг зарур дори-дармондан фойдаланиш имкониятини оширади.

Ҳозир дастурга 7 хил сурункали хасталик киритилган. Уларга чалинганларга 27 хил дори-дармон бепул берилади.

Тизимдан фойдаланиш имкон қадар соддалаштирилган. Фуқаро, аввало, оилавий шифокорга учрайди. Унда юқорида номи келтирилган касалликлардан бири ёки бир нечтаси аниқланса, шифокор электрон рецепт шакллантиради.

Сўнг беморнинг телефонига СМС код келади ва шу код Давлат тиббий сўғуртаси жамғармаси билан шартнома тузган дориҳонага ҳам боради. Бемор ёки яқинларидан

Беморнинг телефонига СМС код келади ва шу код Давлат тиббий сўғуртаси жамғармаси билан шартнома тузган дориҳонага ҳам боради. Бемор ёки яқинларидан бири шу СМС кодни дориҳона ходимига кўрсатиб, рецептдаги дориларни олиши мумкин.

бири шу СМС кодни дориҳона ходимига кўрсатиб, рецептдаги дориларни олиши мумкин.

Соғлиқни сақлаш вазири тиббий сўғурта бошқармаси бошлиғи Шухрат Алмардановнинг таъкидлашича, СМС хизмати яхши ишламайдиган жойларда оилавий шифокор томонидан QR коди электронрецептшакллантириладивабеморга берилади. Бемор ёки яқинларидан бири QR коди электрон рецептни Давлат тиббий сўғуртаси жамғармаси билан шартнома тузган дориҳонага тақдим этади ва ўзига керакли дори-дармонни олади.

Алмарданов. — 30 ёшдан 69 ёшгача бўлганлар ўртасида юрак-қон томир касалликлари бўйича ўлим кўрсаткичи юқорилиги ва бошқа сурункали касалликлар асорати натижасида кўп учраши ҳам аниқланди. Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти тавсияларига кўра, гипертония, юрак ишемик касаллиги, қандли диабетнинг иккинчи тури, бронхит астма ва ўпканинг сурункали обструктив касалликлари танлаб олинди ва ушбу 5 та касаллик бўйича дастлаб 11 турдаги дори рўйхатга киритилди. Натижада туман ва шаҳар шифохоналарига ўт-

кир инфаркт билан жойлаштирилганлар сони 2,5 фоиз, бош миёна қон айланishi-нинг ўткир бузилишига чалинганлар 3,2 фоиз, нафас олиш тизимининг ўткир етишмовчилиги билан касалланганлар 2,7 фоиз, шунингдек, вилот даражасидаги шифохоналарда гипертоник криз хуружи билан оғриганлар сони 4,1 фоиз камайди.

Мазкур дорилар электрон рецепт асосида сурункали касалликларга чалинган беморларга ҳаёти давомида бериб борилади. Сурункали касалликларга чалинган, мисол учун, қон босими юқори бемор ушбу дориларни ичмаса, ўткир юрак инфаркти, инсульт касаллиги вужудга келиши ёки асорат қолдириши мумкин. Бундай нохуш ҳолатларнинг олдини олишда “электрон рецепт” тизими асосида берилаётган дори-дармонлар қўл келмоқда.

Бемор ҳар ойда бир марта шифокор хузурида бўлади. Дориларни ичгач, галдаги кўрикда шифокор хастани қайта текширади ва янги электрон рецептни шакллантиради.

Бу галги дорилар миқдори аввалгиларидан фарқ қилиши мумкин. Муҳими, ана шу жараён то бемор дарддан тўлиқ қориг бўлиб кетгунича давом этади. Бу фуқароларга катта қулайлик яратди, албатта. Аввало, беморнинг саломатлиги доимий назоратда бўлади. У ўзига тегишли дори-ни бепул олади. Тиббий кўрикдан ўтши орқали саломатлигини муҳофаза қиладди. Натижада ҳаёт сифати ошади, умргузаронлиги ортади ва касаллик асорати туфайли шифохонага тушишининг олди олинади.

— Сурункали касаллиги бор, аммо электрон рецепт орқали берилган дори-ни вақтида ичмайдиган беморлар ҳам бор, — дейди Янгиҳаёт тумани марказий кўп тармоқли поликлиникаси патронаж ҳамшираси Ҳилола Аҳмедова. — Биз уларнинг уйига бориб, саломатлигини асрашда бу дориларнинг аҳамиятини атрофича тушунтирамиз. Дорини вақтида ичмаса, касаллик асорат қолдириши ва оғир ўтши, оқибати кўнгилсизлик билан яқунлашини айта-миз. Беморларнинг саломатлиги, дори истеъмоли мунтазам назорат қилинади.

Ривожланган давлатлар тиббиётда самарали натижа кўрсатган тизим жорий йилда Қорақалпоғистон Республикаси, Навоий, Самарқанд, Хоразм, Бухоро ва Қашқадарё вилоятларида йўлга қўйилди. Бу аҳолининг саломатлик кўрсаткичи яхшиланиши, шу касалликлар асорати билан стационарга мурожаати камайиши, ўртача умр кўрсаткичи янада узайишига хизмат қилади. Зарур бўлмаган дори-лар тавсия этилиши, касаллик оғирлигини бўрттириб кўрсатиш ва беморларни шифохоналарда асосиз ётқизишнинг олди олинади.

Аҳолининг ижтимоий заиф тоифасини сифатли тиббий хизмат билан қамраб олиш даражасини ошириш, тиббий ёрдам учун тўғридан тўғри тўловларни камайтириш мақсади эса ушбу тизимнинг эътиборга молик жиҳатларидан.

Иккинчидан, киритилаётган инвестициянинг энергетика соҳасига жалб этилиши энергия таъминоти сифатини яхшилаш билан бирга соҳага янги замонавий технологияларни қўллаш имкониятини беради.

Учинчидан, бутунги кунда иқлим ўзгаришлари глобал муаммо сифатида бўлиб турган бир вақтда қайта тикланувчи энергия ишлаб чиқарилишининг кенгайиши “яшил” иқтисодиётни ривожлантириш ва экологик муаммоларни ҳал этишда муҳим аҳамият касб этади.

Давлатимиз раҳбарининг Бирлашган Араб Амирликлари энергетика ва инфратузилма вазири бошчилигидаги делегация билан учрашуви ҳам алоҳида аҳамиятга эга бўлди. “Masdar” компанияси билан электр энергиясини ишлаб чиқаришга мўлжалланган лойиҳалар муҳим босқичга чиқди.

“Masdar” компаниясининг Ўзбекистонда ўсиб бораётган лойиҳалар портфелига минтақамиздаги энг йирик — 500 мегаватт қувватга эга Зарафшон шамол электр станциясини қиради. Компания, шунингдек, 2023 йилда Жиззах, Самарқанд ва Шеробода умумий қуввати тахминан 900 мегаваттлик учта қуёш энергиясини лойиҳаларини молиялаштиришни яқунлади ва бу Марказий Осиёдаги энг йирик қуёш энергетикасини ривожлантириш дастурига айланди.

Умуман олганда, давлатимиз раҳбарининг БААга ташрифи давомида қатор манфаатли ҳамкорлик, хусусан, стратегик шериклик, савдо-иқтисодий ҳамкорлик муносабатлари мустаҳкамланди. Дубайнинг илгор шаҳар-созлик тажрибасини Ўзбекистонда, жумладан, Янги Тошкент лойиҳасида қўллашга келишилди. Рақамли технологиялар ва сунъий интеллект соҳасида ҳамкорлик қилиш бўйича қатор шартномалар имзоланди. Маданий ва кадрлар алмашинуви доирасида давлат бошқаруви самарадорлигини ошириш ва бошқарув кадрларини тайёрлаш бўйича ҳамкорлик режалари белгиланди.

Хулоса ўрнида айтиш мумкинки, бутунги кунда мамлакатларимиз ўртасидаги икки томонлама ҳамкорлик барча соҳаларда сезиларли даражада кенгайди. Ташриф давомида Ўзбекистон ва БАА ўртасидаги ҳамкорликни кенгайтиришга оид қатор меморандум ва шартномалар имзоланди. Бу, ўз навбатида, икки мамлакат ўртасидаги стратегик шериклиги янги, юқори босқичга олиб чиқишга хизмат қилади.

Янги Ўзбекистоннинг кенг қамровли стратегик шериклик муносабатлари кенгаймоқда

Янги Ўзбекистоннинг халқаро майдонда самарали конструктив ҳамкорлик йўлидаги қадамлари халқаро экспертларнинг юксак эътирофларига сазовор бўлмоқда. Ўртимиздаги ижобий ўзгаришлар дунё ҳамжамиятида Ўзбекистонга қизиқишни ошириб, унинг халқаро майдондаги нуфузини янада мустаҳкамлашга хизмат қилмоқда.

Президентимизнинг ташаббуслари ва олий даражадаги музокаралардаги фаоллиги туфайли “дунёга очилик сиёсати”га содиқ қолаётган янги Ўзбекистоннинг янги ҳамкорлари, хайрихоҳлари ортиб бормоқда. Давлатимиз раҳбарининг халқаро ташрифлари натижасида мамлакатимизнинг хорик давлатлари билан фаол дипломатик муносабатлари янги босқичга чиқди. Иқтисодий жиҳатдан ривожланган бир қатор давлатлар, хусусан, Бирлашган Араб Амирликлари билан муносабатимиз стратегик шериклик даражасигача кўтарилди.

Ўзбекистоннинг халқаро майдондаги нуфузини янада ошириш мақсадида давлатимиз раҳбари Бирлашган Араб Амирликлари Президенти Шайх Муҳаммад бин Зойд Ол Наҳаённинг тақлифига биноан 13-15 январь кунлари расмий ташриф билан ушбу мамлакатда бўлди.

Президентимиз “Абу-Дабӣ барқарор ривожланиш ҳафталиги” халқаро саммити очилишида ҳамда барқарор ривожланиш соҳасидаги Шайх Зойд номидаги муқофотни топишнинг ҳаммасидан иштирок этиш ва саммитнинг ялпи мажлисида қатор муҳим ташаббусларни илгари сурди.

Хусусан, бутунги кунда иқлим ўзгариши оқибатларини юмшатиш, барқарор ривожланиш ва глобал хавфсизлигини таъминлашнинг асосий шарти энергетика манбаларини диверсификация қилиш, улардаги углеводород улушини кескин камайтириш эканини таъкидлади. Янги Ўзбекистонда экологик барқарорлиқни таъминлаш, иқтисодий

ўсишининг ресурслар тежамкорлигига асосланган “яшил” ривожланиш моделига ўтиш йўлидаги муҳим ислохотлар ва эришилган натижалар, мамлакатимизнинг халқаро майдондаги ташаббуслари ҳақида тўхталиб ўтди.

Шу билан бирга, халқаро ҳамжамиятни, хорижий “ақл марказлари” ҳамда инвесторларни юртимизда турли жаҳдаларда амалга оширилаётган кенг кўламли “яшил” трансформация жараёнларида фаол ҳамкорликка чорлади.

Жорий йил Ўзбекистонда ўтиши режалаштирилган Марказий Осиёнинг глобал иқлим муаммоларига бағишланган конференцияси ҳамда Рақамли “яшил” ташаббуслар глобал ёшлар фестивалига иштирокчи давлатлар вакиллари тақлиф этилди.

Президентимизнинг Абу-Дабига ташрифи доирасида ишбилармонлик тадбирлари ҳамда қатор учрашувлар бўлиб ўтди. Хусусан, БАА сунъий интеллект вазири, “Presight”, AIQ, “Khaiza” компаниялари раҳбарлари, Муҳаммад бин Зойд номидаги Сунъий интеллект университети президенти билан мулоқотларда Амирик компаниялари билан илгор технологияларни ривожлантириш ва уларни турли соҳаларга муваффақиятли жорий этишга қаратилган стратегик шериклиқни кенгайтириш йўллари кўриб чиқилди.

Генератив сунъий интеллектни ишлаб чиқариш, шу жумладан, энергетика соҳасида “ката-та тил моделлари”ни қўллаш, Тошкентда йирик маълумотларни қайта ишлаш марказини



Одилжон МАМАТКАРИМОВ,
Сенатнинг Халқаро муносабатлар,
ташқи иқтисодий алоқалар,
хорижий инвестициялар ва туризм
масалалари қўмитаси раиси
ўринбосари

ташкил этиш борасида ҳамкорликни кенгайтириш бўйича келишувларга эришилди.

Муҳаммад бин Зойд номидаги Сунъий интеллект университети билан алмашинувларни фаоллаштиришга алоҳида эътибор қаратилди. Президент талабаларни ўқитиш дастурини ишга тушириб, бу соҳада юқори малакали кадрлар тайёрлаш бўйича “йўл харитаси”ни қабул қилишни тақлиф этди.

Илмий тадқиқот лабораторияларини бир-галикда ишга тушириш, технологик кластерлар ташкил этиш ва контактсиз тўлов

операциялари учун инновацион ечимларни жорий этиш режалари муҳокама қилинди.

Ўзбекистон раҳбари ва БАА Президентининг тор доирада ҳамда расмий делегациялар аъзолари иштирокида ўтказган музокаралари самарали кечди.

Давлат раҳбарлари Ўзбекистон ва БАА ўртасида дўстлик ҳамда кўп қиррали ҳамкорлик муносабатларини, жумладан, сиёсат, савдо, иқтисодиёт, инвестиция, инновация, маданий-гуманитар ва бошқа устувор соҳаларда янада ривожлантиришнинг муҳим масалаларини муҳокама қилди. Етакчилар иқтисодий ҳамкорликнинг янги модели, жумладан, сунъий интеллект, рақамлаштириш, “яшил” энергетика, шаҳарсозлик ва инфратузилма, туризм, хусусий бизнес каби 6 та асосий йўналишни белгилаб олди. Ҳар бир устувор соҳа бўйича алоҳида ишчи гуруҳлар ташкил этишга келишилди.





ИНСОНИЙЛИК, АХЛОҚ, ИЖОДКОРЛИК ВА ТАСАВВУР ҚОБИЛИЯТИНИ УЙЎНЛАШТИРИБ, АГРАР СОҲА САМАРАДОРЛИГИНИ ТАЪМИНЛАЙДИ



Иброҳим АБДУРАҲМОНОВ,
қишлоқ хўжалиги вазири,
академик

Бошланиши 1-бетда

Унутмаслик лозимки, замонавий илм-фан ютуқлари, юқори технологиялар ёки инновацияларнинг ахлоқи бўлмайди. Бу ўринда физикадаги ядровий билимларни ёки генетикадаги муҳандислик технологияларини (геномини кўчириш, тахрирлаш) ёки ҳаммага жуда таниш шахсий ҳаёт билан ҳисоблашмайдиган сунъий гидрокли янги авлод ақли қурилмаларини (мобил телефон, камералар, дроплар, зимдан ахборот тўловчи виртуал олам каби) эслатиш кифоя. Ахлоқ нормаларини эса биз, инсонлар белгилашимиз зарур.

Худди шундай технологиялар улугвор инсоний фазилатлардан батамом мосуво. Албатта, юқорида айтилганидек, инсон ижодкорлиги маҳсули бўлган инновациялар ёки технологиялар билан ахлоқ қондаларининг ривожланиш симбиози (яъни бирга ривожланиши) бор гап. Башарият технология ривожланиш даврида ахлоқ чегаралари умуминсоний тамойиллари ҳамда технология жорий қилишдан юзага келадиган оқибатларни чуқур тасаввур қилиш асосида тафаккур билан белгиланишига умид қилади ва бунга интилади. Бироқ технологик ривожланишда ушбу симбиоз тобора технологик, геосиёсий рақобат ва худбинлашув (геосиёсий ва моддий манфаатдорлик, виртуал қарамлик, кадр-қиммат пасайиши каби) туфайли кенг маънода инсоният цивилизациясини, бизнинг ҳаётимизда эса ҳар бир соҳани зимдан емирмоқда, жамиятнинг кучсизлантириб бормоқда.

Оқилона ечим эса илмий, инновацион ва технологик ривожланиш даврида STEM дастурларини НЕСИ (ҳеки) — инглизчада Humanity, Ethics, Creativity and Imagination, яъни инсонийлик, ахлоқ, ижодкорлик ва тасаввур дастурлари билан жадал уйғунлаштириш, технологик худбинлашув ёки “заҳарланиш”га даво (антидот) сифатида умуминсоний қадриятларни барқарор

STEMга асосланган юқори технологик малака ва кўникмаларни, балки инсонийлик ва ахлоқийлик, ижодий ёндашув ҳамда жараёнларни тўла тасаввур қила олишдек муҳим малакаларни доимий шакллантириб бориш, бу борада мунтазам ўз устида ишлаш, даврий шахсий тафтиш ўтказиш ўта долзарбдир.

НЕСИ глобал қақирғи ҳар бир шахс (технологиялар фойдаланувчиси ёки тақлиф этувчиси)га тегишли. У ўз инсоний фазилатларини ривожлантириш, ахлоқий билимларини ва ахлоқ чегараларини мустақамлаш, масала ва муаммоларга ижодий ёндашиш, жараёни тўла ҳамда кенгрок тасаввур эта олишни тақлиф этади. Бу юқорида айтилган “инновация-ахлоқ” ёки “инновация-инсонийлик” симбиози тамойиллари ёки чегараларини тўғри белгилаш имконини беради, жамиятнинг барқарор ривожланишини кафолатлайди.

Биргина мисол, ҳаёт тарзимизнинг ажралмас қисмига айланиб улгурган, НЕСИдаги асосий компонент ҳисобланган инсонийлик, ахлоқ, ижодкорлик, тасаввур каби тушунчалардан анча узоқ бўлган сунъий идрок ва роботларнинг жамиятимизга кириб келишидан инсониятни қандай оқибатлар кутиб турганини ҳамма ҳам тасаввур қилавермас керак. Сунъий идрок, махсус дастурлар асосида мустақил иш бажарувчи роботлар ҳаёт сифатини ошириш билан бирга яқин келажакда жиддий оқибатларни келтириб чиқарувчи янгидан янги муаммоларни ҳам инсоният олдида қўндаланг қўймоқда.

Янгилик ва кашфиётлар инсон манфаатларига хизмат қилиши кўзланар экан, рақамлаштирилётган дунёда инсон ўзлиги, олий ақл соҳиб, жамиятда рўй бераётган ҳолатларга дахлдорликини ҳис этиши муҳим ҳисобланади. Бироқ турфа ангиларга бой бутунги кунда адолат, самимийлик, ростгўйлик, ҳалоллик, қадрлаш каби инсоний фазилатлар етишмаётгани оддий ҳолатга айланиб бораётган бўлса, технократ қатламларда худбинлик, бефарқлик, келажак олдида масъулиятни ҳис этмаслик қабилир авж олаётгани анча хавотирли.

Шу ўринда охириги саккиз йилда Ўзбекистоннинг барқарор ривожланишидаги бугун барча эътироф этаётган ютуқлари замирига ҳам бир назар солиш лозим. Мамлакатимизда илм-фан ва инновацияларга, технологик ютуқларни кенг жорий қилишга таянган ҳолда, биринчи навбатда, инсон капиталини ривожлантиришга катта қадам қўйилди. Шунингдек, маънавий юксалишга интилиш, миллий қадриятларимизни англаб етиш, инсонни қадрлаш, камбағалликни қисқартириш, ишсизликни камайитириш, ноғиронлиги бўлган инсонларни жамиятга уйғунлаштириш, ватанпарварлик, табиатни ва атроф-муҳитни асраш каби умуминсоний тамойиллар чуқур ўйланган ҳолда амалга оширилаётгани бежиз эмас.

Хўш, НЕСИнинг аграр соҳа барқарор ривожланишида ўрни қандай? Албатта, бундай малака барча соҳалар учун бирдек зарур, бироқ кунлик дастурхонимиз яра-

“Оқилона ечим эса илмий, инновацион ва технологик ривожланиш даврида STEM дастурларини НЕСИ (ҳеки) — инглизчада Humanity, Ethics, Creativity and Imagination, яъни инсонийлик, ахлоқ, ижодкорлик ва тасаввур дастурлари билан жадал уйғунлаштириш, технологик худбинлашув ёки “заҳарланиш”га даво (антидот) сифатида умуминсоний қадриятларни барқарор сақлаб қолишга эришишдир.



барча жараёнлар инсон манфаатига қаратилган бўлиб, бу фаолият озиқ-овқат хавфсизлиги билан бирга ижтимоий-иқтисодий барқарорлиқни таъминлашда ҳам зарур. Бунда фақат етиштирилган маҳсулотнинг миқдорига эмас, балки унинг сифати, экологик зарарсизлигига ҳам эътибор қаратиш лозим.

Қишлоқ хўжалигининг технологик ривожланишга узвийлиги, механизация ва автоматлаштириш, рақамли технологиялар ва сунъий идрок билан камбарчас боланаётган бугунги технократик даврда, юқорида айтганимиздек, қишлоқ хўжалиги ҳодимларидан нафақат юқори технологик малака ва кўникмаларни, балки ўз “зуваласида” инсонийлик, ахлоқийлик, ижодий ёндашув ҳамда жараёнларни тўла тасаввур қила олишдек муҳим малакаларни доимий шакллантириб бориш талаб этилади.

Бугун қишлоқ хўжалиги янгича фикрлаш, илғор ғояларни амалга ошириш учун кенг имкониятлар майдониغا айланган. Янги технологиялар, инновацион ечимлар, рақамлаштириш ва автоматлаштириш, ноанъанавий ёндашувлар аграр соҳани юқори даражада ривожлантиришда асосий омил бўлиб хизмат қилади. Бироқ ижод-

гарани қўя олиш ҳамда унга амал қилиш технологик ечимларнинг манфаатли ва узоқ мuddатли барқарор ривожланишини таъминлайди. Зеро, бусиз соҳанинг узлуксиз ривожланиши қийин.

Шундай экан, инсон фақат табиатдан наф олибгина қолмай, уни асрашга ҳам масъулдир. Масъулият эса ҳар бир ишнинг

тадбиркорлик амаллари саналади. Аммо маҳсулот етиштиришда минерал ўғитлар ишлатиш, уларни қўллашнинг ҳам меъёрлари борки, бу “тирик” ернинг ҳолати, унинг ичидаги жонотларга зарар етказиш



эвазига амалга оширилиши керак эмас. Бир гектар ерга энг кам миқдор етиши ҳисобда бўла туриб, унга бир неча қарра кўп ўғит солиш, маҳсулотни эрта етиштирмаман деб, ҳам ерга, ҳам унда қўним топан кўзга кўринмас, бироқ маҳсулдорлик учун бебаҳо жонотларга зарар етказиш инсонийликка мос эмас.



УШБУ МАҚОЛАНИ ҚОРАҚАЛПОҚ ТИЛИДА ҲАМ ЎҚИШ УЧУН QR-КОДНИ СКАНЕР ҚИЛИНГ!



“НЕСИ глобал қақирғи ҳар бир шахс (технологиялар фойдаланувчиси ёки тақлиф этувчиси)га тегишли. У ўз инсоний фазилатларини ривожлантириш, ахлоқий билимларини ва ахлоқ чегараларини мустақамлаш, масала ва муаммоларга ижодий ёндашиш, жараёни тўла ҳамда кенгрок тасаввур эта олишни тақлиф этади. Бу юқорида айтилган “инновация-ахлоқ” ёки “инновация-инсонийлик” симбиози тамойиллари ёки чегараларини тўғри белгилаш имконини беради, жамиятнинг барқарор ривожланишини кафолатлайди.



корлик фақат технологиялар яратишу йўқдан бор қилиш, маҳсулдорлиқни ошириш ва бунинг учун инновацион ечимларни тақлиф қилиш, уларни жорий этиш билан чекланмайди. Аксинча, ҳар бир қарч ерга эътибор, туپроқнинг тирикчилигини тасаввурга сингдириш ва бунга юракдан ҳис этиш, етиштирилаётган ҳосилнинг атроф-муҳитга, ола заминга беталафотлиги ва охир-оқибатда истеъмолчи соғлиғига бепарварлиги, озуқавийлигини таъминлашда инсоний ёндашуви топа олиш қобилиятидир. Бундай ёндашув замирида ахлоқ, ёндаш, жавобгарлик ҳисси, тарбия, бир сўз билан айтганда, “мумкин эмас” деган че-

замирида ётади. Бу фақат ҳуқуқий тушунча эмас, маънавий-маданий феномен. Бинобарин, соҳанинг муҳим вақиллари, дея ҳисобланган фермерлар ва аграр соҳанинг бошқа мутахассислари орасида НЕСИ дунёқарашини шакллантириш, кенг тарғиб қилиш ҳамда даврий янгилаб бориш бениҳоя муҳим.

Изоҳларни бир неча оддий мисоллар билан давом эттирсак. Одатда ҳар бир қилинаётган иш замирида манфаат ётади. Дехқон мева-сабзавот, полиз маҳсулотлари етиштиришда вақтдан ютиш, бозорлардаги талабга улгуриб қолиши учун доимий изланишда. Бу яхши

мана шу ерда инсон тафаккури ва тасаввурига эҳтиёж вуқудга келади. Ер яна қанча йил барака уруғи етиштиришда керак бўлиши, бу қилаётган иши орқали нари борса 4-5 йил яхши ҳосил олиши, сўнг ер қурғоқчилик, туپроқ эрозиясига дуч келиши, шўрланиб, ҳар босганда гичирлаб овоз берадиган бепоян далаларни ёки ортиқча қиммий ишлов натижадаги том маънода “заҳарга” айланган маҳсулот дастурхонга тушиши ва касалланган истеъмолчи ҳолатини, оила аъзолари азобини, албатта, тасаввур қилиш лозим. Шундагина етиштирувчи бундай амалиётни ўз вақтида онгли тўхтабди ва манфаатларини бошқара олади.

Шу ерда ахлоқ тушунчасининг аграр йўналишидаги аҳамияти ҳақида тўхталсак. Давлат агросектор вақилларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаб, улар зарар кўрмаслиги ва ишларини тўғри ташкил қилиши учун барча шарт-шароитларни яратиб келаяпти. Аммо қишлоқ хўжалиги йўналишига ажратилаётган имтиёзли маблағларни ўз вақтида қайтармаслик, жавобгарликдан қочиб, маблағларни нотўғри йўللарда, ҳою ҳавас учун ишлатиб юбориш ҳолатлари мавжуд. Ёки рақамларни бўрттириб кўрсатиш, кўра била туриб, “тарози”даги адолатли бузиш, сифатни пасайитиш эвазига фойда излаш каби қўсури одатлар (нополик, ёлгончилик, айёрлик каби) қишлоқ хўжалигига катта таҳдиддир. Мана бу ерда ҳам ахлоқ, ҳам инсонийлик фазилатлари уйғун бонг уриши лозим. Аграрсоноатчи бундай фаолиятнинг зарарини тасаввур қилишга қодир бўлиши, муаммони эса илм ва ижодкорлик билан ҳал этишга интилиши лозим.

Бундай қўсури ва ноахлоқий ёндашувларнинг бошқарув органлари ва сиёсат юритувчиларда борлиги соҳа ривожига учун катта таҳдиддир. Айниқса, юқори арена-ларда ёки халқаро миқёсда сиёсат юритувчилар, масалан, озиқ-овқат маҳсулотлари бозорларини ташкил қилишда фақат технологик ҳамда геосиёсий ёндашувга урғу бериши, асосланмаган, атай жорий қилинган импорт божларини тақлиф қилиши, ноахлоқий тариф ва нотариф тўсиқларини қўйиши соҳа ривожига катта таъсир қилади. Пировардида бу қанчадан қанча сара маҳсулотлар нобуд бўлишига, бир жойда нархлар кўтарилишига ва етишмовчиликка, иккинчи жойда яратилган неъмат йўқотилишига сабаб бўлади. НЕСИ дунёқарашини сиёсатдонлар ва бошқарув органлари тафаккури ва тасаввурда шаклланиши ўта муҳимлиги шу жойда яна бир бор кўринади.

Мана шу жиҳатларни эътиборга олиб, ислохотлар негизидagi инсонийлик тамойилларини соҳага янада кенгрок жорий қилиш мақсадида ҳозир қишлоқ хўжалиги соҳасида 24 соатлик НЕСИ ўқув малака ошириш дастури ишлаб чиқилди ва жорий қилинмоқда. Ушбу дастур қишлоқ хўжалиги муаммоларини ҳал қилиш учун зарур бўлган амалий ва назарий билимларни ўз ичига олади.

Қишлоқ хўжалиги вақирлиги томонидан ушбу тизим олий таълим муассасаларига босқичма-босқич жорий этилмоқда ва натижада талабаларнинг амалий кўникмалари оширилмоқда. Замонавий агро-технологиялардан самарали фойдаланиш йўллари ўргатилмоқда, соҳада глобал тажрибани маҳаллий шароитга мослаштириш имкониятлари кенгайилмоқда. Бир сўз билан айтганда, НЕСИ тизими олий таълим муассасаларида қишлоқ хўжалиги бўйича таълим сифатини оширишда муҳим аҳамият касб этади. Мақсад — ҳар бир бўлажак қишлоқ хўжалиги мутахассиси бугун ана шу заҳирқарларни тўғри англаши ва ўзида НЕСИ кўникмаларини ҳозирги технологик ривожланиш билан уйғунлиқда мунтазам шакллантириб бориши, маънавий қиёфа ва дунёқарашини доимий тафтиш қилиш зарурлигини чуқур англаши лозим.

Фақат шунгина эмас. Вақирлик марказий аппаратдан тортиб, тизим ташкилотлари ҳар бир ҳодимнинг ушбу йўналишдаги кўникма ва билимларини оширишга ҳам алоҳида эътибор қаратилмоқда. Давлатимиз раҳбари қарор билан вақирлик ҳузурида Қишлоқ хўжалиги соҳаси кадрларининг малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш институти фаолияти йўлга қўйилгани ушбу мақсадларимиз рўёбда яқиндан кўмакчи бўлди. Худудий ва марказий тизимдаги ҳодимлар юқоридаги ғояни аниқ англаб ҳаракат қилса, демак, улар тимсолида аграр тармоқнинг ҳар бир вақили ҳам инсонийлик, ахлоқ, креативлик ва тасаввур каби тушунчалар орқали ўз ишини ташкил эта олади.

Инсонийликни ўз танамизда ҳис қилиш, инсон қадри улугворлигини тушуниш ва ўзимиздаги бор неъматларга шукр қилиш, таъбир жоиз бўлса, қалбини “юмшатиб” туриш мақсадида Қишлоқ хўжалиги вақирлиги, худудий бошқарма ва бўлимларимиз ҳамда тизим ташкилотларимиз биргалиқда Қарлар жамиятига қарашли марказлар билан ҳамкорлик ўрнатиб, улардаги иқтидордан самарали фойдаланиш ва соҳага жалб қилиш, мавжуд муаммоларда жамиятга елкадош бўлишни йўлга қўйганмиз. Бу тизимимиздаги НЕСИ дастурининг кундалик амалиётга айланиб бормоқда.

Шу билан бирга, давлатимиз раҳбари топишнингга мувофиқ, тармоқда муайян муаммолар (масалан, шўрланиш, яйловлар эрозияси, рақамлаштириш, Орол денгизи тубини ўзлаштириш каби) ечими устида ишлайдиган олий агромуҳандислик мактабларини ташкил қилар эканмиз, уларга агромуҳандислар билан бирга бошқа соҳа вақилларини (масалан, тасвирий санъат ва маданият намояндалари, ҳуқуқшунослар, дизайнлар ҳамда турли ёндаш фундаментал фан мутахассислари) жалб қилиш ва ишларни НЕСИ доирасида ташкил этишга катта эътибор бериляпти. Мақсад — технологик ечимлар барқарорлигини кафолатлаш. Шундангина биз техника асрининг мураккаб саволларига инсонийлик тушунчалари билан жавоб бера олишимиз мумкин бўлади.



сақлаб қолишга эришишдир. Айтмоқчи-манки, технологик ривожланиш авж паллага кўтарилган бугунги замонда нафақат

тувчилари бўлган агросаноатчи муҳандисларимиз ва етиштирувчиларимиз учун бу ўта муҳим. Қишлоқ хўжалиги соҳасидаги



Таҳлил

МАҲАЛЛА БАНКИРИ ТИЗИМИ

КАМБАҒАЛЛИКНИ КАМАЙТИРИБ, ОДАМЛАРНИ ТАДБИРКОРЛИККА УНДАЙДИ



Даврон ИСМАТОВ,
Марказий банк Тошкент шаҳар
бошқармаси бошлиғи

Жорий йилнинг 1 февралига қадар ҳар бир ҳудудда “маҳалла банкири” штатлари ташкил этилиб, маҳаллаларга бириктирилади. Бу ишлар туман ҳокимлари ва тижорат банкилари билан биргаликда амалга оширилади. Бунга зарурат нима эди? Саволга батафсил жавоб бериш учун, аввало, бугунги иқтисодий, молиявий ҳолатларга бир назар ташлаш лозим.

Бугун жаҳонда содир бўлаётган геосийсий вазиятлар туфайли юзга келган ноаниқ иқтисодий муносабатлар, глобал қиймат занжирларидаги узиллишлар ва иқлим ўзгаришлари давлатлар ривожланиш истиқболларига жиддий таъсир кўрсатяпти. Бундай шароитда диверсификация ва турли иқтисодий тармоқларни ривожлантириш муҳим аҳамият касб этади.

Алоҳида эътироф этиш керакки, ушбу жараёнда Ўзбекистон ўзининг узоқ ва қисқа муددатли стратегик мақсадлари аниқ ечимлар тақдим этаётгани ва натижа келтираётгани билан дунёдаги энг яхши ислохотчи давлатлардан бирига айланди. Жаҳон банки ва бошқа халқаро молия ташкилотлари томонидан эътироф этилаётганидек, 2017 йилдан буён Ўзбекистонда янги ички маҳсулотнинг ўртача 5,3 фоизга ўсиши таъминланиб келинмоқда.

Ҳар бир соҳа бўйича мувозанатли ўсишга қаратилган ислохотлар ва амалга оширилган чора-тадбирлар ташқи таъсирларга нисбатан барқарорлиқни оширди. Шунингдек, ички ва ташқи қарз молиялаштириш стратегияларини ўзгартириш, инвестициялар учун кўпроқ шаффофлик яратиш бўйича қилинган ишлар ҳам ўз самарасини бераётир.

Қабул қилинган қатор қарорлар, махсус дастурлар ва стратегик режалар иқтисодиётнинг турли соҳаларида бандликни оширишга қаратилгани билан аҳамиятли. Бу ўз навбатида, банкларнинг замон талаблари асосида ишлаши, мослашувчан таклифлар орқали молия бозорига барқарор ҳаракат қилиши бўйича долзарб вазифаларни қўймоқда.

Қўрилаётган чора-тадбирлар инвестицияларни жалб қилиш, кичик ва ўрта бизнесни ривожлантириш, қишлоқ хўжалиги, саноат ҳамда хизмат кўрсатиш соҳаларида яратилаётган янги корхоналар орқали мингбалаб янги иш ўринлари яратишда ўз натижаларини беришда.

Шу ўринда алоҳида қайд этиш керакки, аҳоли бандлигини таъминлаш ва даромадини ошириш мақсадида олиб борилаётган ислохотларда банк сектори муҳим ўрин тутди. Натижалар кўрсатяптики, молиявий институтлар орқали аҳолини қўллаб-қувватлаш, тадбиркорликни ривожлантириш ва инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш орқали иқтисодиётда барқарор ўсиш таъминланмоқда. Молиявий хизматлар кенгайиши, кредитлаш ва инвестиция лойиҳаларини қўллаб-қувватлаш орқали банклар аҳоли турмуш даражасини яхшилашга хизмат қилмоқда. Мазкур ислохотлар мамлакат иқтисодиётида барқарор ўсишнинг таъминлаш ва аҳолининг молиявий барқарорлигини оширишга замин яратди.

Фикримизни рақамлар асосида ифодаласак: биргина Тошкент шаҳридаги тижорат банкилари томонидан 2024 йилга мўлжалланган аҳоли бандлигини таъминлаш ва даромадини ошириш бўйича амалга оширилган мақсадли кўрсаткичларга эришиш натижасида 254 минг 956 та доимий иш ўрни яратилди. Хусусан, “Оилавий тадбиркорлик”, “Бизнесга биринчи қадам” ва “Кичик бизнесни узлуксиз қўллаб-қувватлаш” комплекс дастурлари доирасида 585 маҳалладаги 18 минг 736 та лойиҳа учун 450 миллиард сўм йўналтирилди, 22 минг 284 кишининг бандлиги таъминланди. Микробиюларини амалга ошириш доирасида 29 минг 492 та лойиҳа учун 624,8 миллиард сўм йўналтирилиб, 67 минг 252 та иш ўрни ташкил этилди.

Давлатимиз раҳбари томонидан банкларнинг аҳоли бандлигини таъминлаш, даромадли қилиш, камбағалликни камайтиришга қўшадиган ҳиссаси, оилавий ва кичик бизнесни



қўллаб-қувватлаш, инфратузилмалар лойиҳалар, вентур капитал, стартаплар, ер ресурсларида самарали фойдаланиш, микромолия ва факторинг соҳаларини ривожлантириш бўйича белгилаб берилган вазифалардан келиб чиқиб, 2025 йил учун мўлжалланган мақсадли кўрсаткичлар тасдиқланди. Унга кўра, жорий йилда Тошкент шаҳрида 1 миллион аҳоли бандлигини таъминлаш белгиланган. Бунда 380 минг доимий иш ўрни яратилиб, 620 минг киши тадбиркорликка жалб қилинади. Хусусан, Сайхунбод таърибаси асосида микробиюларини амалга ошириш орқали 29 минг 250 та лойиҳа доирасида 58 минг 500 та иш ўрни яратилиши режалаштирилган. Уйчи таърибасидан келиб чиқиб, 97 минг 365 аҳоли вақили билан 3096 та учрашув ташкил этилади. Бундай учрашувлар натижасида 16 минг 149 та иш ўрни яратилади.

Булардан ҳам кўриш мумкинки, банклар томонидан кўрсатилаётган молиявий ёрдам ва қабул қилинган маъмул дастурлар янги иш ўринлари яратиш, ишлаб чиқариш қувватларини ошириш, экспортбон маҳсулотлар ишлаб чиқаришнинг қўллаб-қувватлашда муҳим аҳамиятга эга, яъни ижобий натижа бермоқда.

Мазкур фаолият давомида кичик бизнес вакиллари учун махсус ўқув курслари ва семинарлар ташкил этилаётгани аҳолига замонавий бизнес юритиш услубларини ўргатиш, бизнесрежаларни ишлаб чиқиш ва уларни амалга ошириш имкониятини кенгайтирмоқда.

Комплекс дастурлар доирасида амалга оширилган ишлар натижасида Тошкент шаҳрида кичик ва ўрта бизнеснинг ривожланишига кучли туртки берилди. Иқтисодиётнинг турли соҳаларида яратилган иш ўринлари, тадбиркорларнинг молиявий қўллаб-қувват-

ланиши ҳамда инфратузилманинг яхшилаши аҳоли турмуш даражасини оширишга хисса қўшди. Бу каби ислохотлар мамлакатнинг иқтисодий барқарорлиги ва келгусидаги ўсишнинг таъминлашда муҳим ўрин тутди.

Республика миқёсида оладиган бўлсак, 2024 йилнинг 11 ойи давомида 3 миллион 300 минг аҳоли доимий даромадга эга бўлди. Расман банд бўлганлар сони илк бор 10,5 миллион нафарга етди. Бундай натижалар иқтисодий ислохотларнинг ижобий самарасини кўрсатиб, аҳоли фаровонлигига бевосита таъсир қилмоқда. Хўжайли, Асака, Вобкент, Булунгур, Янгйер, Қўштепа, Шовот каби 57 та туманда ишсизлик 5 фоиздан пасайди. Бу рақамлар банкларнинг фақат савдо-сотик,



Ислохот одимлари



Аҳолини ичимлик сув билан таъминлаш борасида кейинги йилларда Қашқадарё вилоятида йирик лойиҳалар амалга оширилмоқда. Марказлашган ичимлик сув билан таъминлаш икки қаррага ортди. Бу нафақат таҳлилларда, балки одамларнинг сўзида, яшаш тарзида намоён бўлмоқда.



дик. Эндликда ҳисоблагич бўйича ойига ўртача ўттиз-қирқ минг сўм тўлаямиз. Сув тежалса, маблаг ҳам тежаларди. Бу эса оила учун аҳамиятли фойда.

Яқин ўтган икки-уч йилда воҳанинг бошқа ҳудудларида бўлгани каби Қамашининг кўпгина маҳаллаларига ҳам ичимлик сув ки-

риб борди. Аҳолини йиллар давомида қийнаб келаётган муаммолар бартараф этилди. Биргина Зафар маҳалласи мисолида айтидиган бўлсак, йирик лойиҳанинг амалга оширилиши эвазига ҳудуддаги хонадонлар ичимлик сув билан тўлиқ таъминланди.

— Кўп йиллардан бери мактабда ўқитув-

чилик қиламан, — дейди қамашлик Шоира Фармонова. — Сўнгги беш-олти йилда катта ўзгаришлар бўлмоқда. Биргина бизнинг “Зафар” маҳалла фуқаролар йигини ҳудудида икки йил ичида ҳаёлга келмаган ўзгаришлар рўй берди. Кўчаларимиз асфальт қилиниб, электр, сув таъминоти яхшиланди. Умуман олганда, обод масканга айлантирилди. Сув, газ, электр каби муаммолар энди йўқ. Бир сўз билан айтганда, юртимизда олиб борилаётган ислохотларни шунчаки сўзда эмас, амалда кўрдик. Одамлар ҳаётдан рози бўлиб, яшашга ишתיёқи янада ортмоқда. Шундай замонада яшаётганимиздан бахтиёримиз.

Мутахассислар тақдим этган маълумотларга кўра, Қашқадарё вилоятида бугунги кунда марказлашган ичимлик сув билан таъминланганлик даражаси 61,2 фоизни ташкил этади. Ваҳоланки, 2016 йилда бу кўрсаткич бироқ 37 фоиз бўлган. Ҳўш, бундай натижага қандай эришилди? Бу ўз-ўзидан бўлгани йўқ, албатта.

Давлатимиз раҳбарининг ташаббуси билан вилоят аҳолисини йиллар давомида қийнаб келаётган ичимлик сув муаммосига

кредитлаш билан шугулланадиган муассаса эмас, балки ҳудудларда иқтисодий фаолликни тарғиб этиш, касб-хунар ўргатиш, стартап лойиҳаларини қўллаш, микромолия механизмлари орқали энг кичик лойиҳаларни ҳам молиялаштиришдек мултифункционал ролга эга эканини кўрсатади.

Эришилаётган ютуқлар банкларнинг бу ижобий тажрибаларни кенгайтириши ва аҳолига янада яқин бўлиши зарурлигини билдиради. Давлатимиз раҳбари “2025 йил бандликни таъминлаш ва камбағалликни камайтиришда энг муҳим ва ҳал қилувчи йил бўлади”, дея қайд этишдан мақсад энди банклар, маҳалла, ҳокимликлар ва тадбиркорлар ҳамкорлигидаги бу моделни бутун республика миқёсида жорий этишдир.

Қўридаги маълумотлардан кўринадик, банклар ишлаб чиқариш корхоналари ва тадбиркорлик субъектларини молиялаштириш орқали янги иш ўринлари яратилишига муносиб хисса қўшмоқда. Ипотека, микрокредитлар ва бизнесни қўллаб-қувватлаш дастурлари орқали қўллаб аҳоли ўз тадбиркорлик фаолиятини бошлаш имкониятига эга бўлмоқда.

Бутун банк фаолияти бевосита маҳалла даражасига таъсир қилгани ҳам бежиз эмас, албатта. Чунки маҳалла жамиятимизнинг ижтимоий-иқтисодий ҳаётида ўзига хос институт бўлиб, аҳолининг турмуш тарзи, муаммо ва имкониятлари тўла намоён бўладиган маскан ҳисобланади. Банкларнинг бевосита маҳалла билан ишлаши ва аҳоли билан тўғридан тўғри мулоқот қилиши молиявий ресурслар, кредитлар ва бошқа қўллаб-қувватлов инструментларидан самарали фойдаланиш имкониятини кенгайтиради.

Маҳаллада банклар фаолиятининг ташкил этилиши натижасида аҳоли молиявий хизматларга яқинроқ кириш имкониятига эга бўлади ва тадбиркорликни ривожлантиришда муҳим аҳамият касб этади. Бу нафақат банк ходимлари учун, балки қўшимча хизматлар, масалан, тозалаш, хавфсизлик ва техник хизмат кўрсатиш соҳаларида ҳам иш ўринлари яратишнинг таъминлайди. Кредитлар ва бошқа молиявий хизматлар орқали иқтисодиётга сармоя киритилиши тезлашади, бу эса маҳаллий маҳсулот ва хизматларга талабнинг ортishiга олиб келади.

Шунингдек, банкларнинг маҳаллалардаги фаолияти орқали молиявий саводхонликни ошириш имконияти пайдо бўлади. Банк ходимлари аҳолига молиявий хизматлар, инвестициялар ва омонатлар бўйича маълумотлар бериб, уларнинг бу борадаги билимларини оширади. Банклар маҳаллада тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш мақсадида имтиёзли кредитлар тақдим этади. Бу кичик бизнесларнинг тезроқ ривожланишига ва уларнинг молиявий барқарорлигини таъминлашга хизмат қилади.

Маҳалладаги банк фаолияти орқали тўлов тизимларини ривожлантириш таъминланади. Бу аҳолининг нақд пулдан кўра, электрон тўловларга ўтишини рағбатлантиради, натижада иқтисодиётнинг шаффофлиги ошади.

Ижтимоий жиҳатдан олиб қараганда, бундай фаолият натижасида аҳолига кредитлар, омонатлар ва сугурта хизмат-

лари орқали турли хизматларни таклиф этиш имконияти кенгайди. Бу аҳолининг молиявий эҳтиёжларини қондиришга, уй-жой сотиб олиш ёки таъмин олиш учун молиявий манбаларни топишга ёрдам беради. Иқтисодий жиҳатдан заиф аҳоли қатламларини қўллаб-қувватлаш мақсадида банклар микрокредит дастурларини амалга ошириш орқали қўллаб оилалар ўзининг кичик бизнесини бошлашга муваффақ бўлади. Бу эса даромад манбаларини кўпайтиришга имкон яратди.

Бундай ёндашув билан банклар янги технологиялар ва инновацияларни жорий этиш орқали аҳолини замонавий молиявий хизматлар билан таъминлайди. Электрон тўлов тизимлари, онлайн кредитлаш ва рақамли банк хизматлари орқали аҳолининг молиявий имкониятлари кенгайиб, иқтисодий жараёнларда иштирок этиш даражаси ошади.

Умуман олганда, кичик ва ўрта бизнесни ривожлантиришда банкларнинг роли катта. Махсус имтиёзли кредитлар, давлат кафолати остидаги молиявий ёрдамлар орқали банклар томонидан янги бизнес лойиҳалар молиялаштириб, аҳоли бандлигини оширишга катта хисса қўшади.

Ўзбекистонда аҳоли бандлигини таъминлаш ва даромадини ошириш бўйича амалга оширилаётган ислохотлар самарали натижалар бермоқда. Бандлик даражаси ошиб, аҳолининг турмуш даражаси яхшиланимоқда. Ҳукумат томонидан қабул қилинаётган чора-тадбирлар, хусусий секторнинг фаол иштироки ва халқаро ҳамкорлик орқали аҳоли фаровонлигини таъминлаш йўлида қадамлар қўйилмоқда.

Иш ўринлари яратиш бўйича сўнгги етти йил ичида қатор ижобий чора-тадбирлар амалга оширилди. Аҳоли сони ўсиши фонида иш ўринларини яратиш борасидаги ҳаракатлар ҳар йили меҳнатга лаёқатли аҳоли сонининг ўсиши прогнозлари кўрсаткичларига мутаносиб бўлишини таъминлаш шубҳасиз.

Хулоса қилиб айтганда, маҳалла банкири тизими аҳоли манфаатларини самарали қўллаб-қувватлаш ва маҳаллаларда иқтисодий фаолликни оширишнинг янги босқичида муҳим ўрин тутди. Мазкур тизим аҳолининг молиявий хизматларга эҳтиёжини тўлиқ қондириш, тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш ва маҳаллалардаги иқтисодий фаолликни оширишга йўналтирилган.

Маҳалла банкири тизими орқали аҳоли ва кичик бизнес субъектлари учун банк хизматлари жоиларда тўғридан тўғри тақдим этилади. Бу маҳаллада яшовчи аҳоли учун кредитлар, омонатлар, микромолия, факторинг ва бошқа молиявий инструментларга эришиш имкониятини яхшилади.

Тизим маҳаллий тадбиркорларга молиявий маслаҳатлар бериш, бизнес-лоийҳаларни молиялаштириш, инвестицияларни жалб қилиш ва тадбиркорлик ривожланишига ёрдам бериш каби хизматларни кўрсатади.

Маҳалла банкири иқтисодий фаолликни ошириш билан аҳолининг иқтисодий имкониятларини кенгайтиришга қўмақлашади. Тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш, микро-бизнес ва стартапларга ёрдам бериш орқали маҳаллаларда иқтисодий ўсиш суръатларини ошириш мақсад қилинган.

Тизим орқали аҳолининг молиявий саводхонлиги оширилади, банк хизматларига ишончи мустаҳкамланади.

Натижада маҳаллаларда тадбиркорлик муҳитини яхшилаш, янги бизнесларнинг пайдо бўлиши ва ривожланишига замин яратилади. Молиявий қўллаб-қувватлаш орқали янги иш ўринлари яратилиши таъминланади, бу маҳаллий аҳолининг иш билан бандлигини оширади. Аҳоли ва тадбиркорлик субъектларининг даромадларини оширишга йўналтирилган лойиҳаларнинг қўллаб-қувватланиши билан уларнинг турмуш сифати яхшиланади. Шундай қилиб, маҳалла банкири тизими маҳаллаларда иқтисодий фаолликни ошириш, аҳоли фаровонлигини юксалтириш ва мамлакат иқтисодиётининг барқарор ривожланишига катта хисса қўшади.

Лойиҳа тўлиқ ишга туширилгандан сўн 39 та МФЙда истиқомат қилувчи 152,5 минг аҳоли ичимлик сув билан таъминланади.

Иккинчиси — “Қарши шаҳри канализация тизимини реконструкция қилиш ва қуриш” лойиҳаси бўлиб, уни амалга ошириш учун Европа тикланиш ва тараққиёт банкининг 60 миллион доллар кредит маблағлари жалб этилган. Бу ишлар эвазига Қарши шаҳридаги жами 90 километр оқова сув тармоғи, 60 минг куб метр сутка қувватли 1 та оқова сув тозалаш иншооти ва 16 та оқова сув насос станциясини қуриш ҳамда реконструкция қилиш кўзда тутилган. Натижада 59 та маҳаллада истиқомат қилувчи 250 минг аҳоли марказлашган оқова сув хизматлари билан таъминланади.

Учинчиси — “Шаҳрисабз шаҳри ва Китоб тумани марказида оқова сув тизимларини реконструкция қилиш ва қуриш” лойиҳаси бўлиб, уни амалга ошириш учун Франция тараққиёт агентлигининг 81,7 миллион доллар кредит маблағлари жалб этилган. Лойиҳа доирасида Шаҳрисабз шаҳри ва Китоб тумани марказида умумий 53 минг куб метр сутка қувватли 2 та оқова сув тозалаш иншооти ва 14 та оқова сув насос станциясини қуриш ҳамда жами 517 километр оқова сув тармоғини қуриш ва реконструкция қилиш кўзда тутилган. Мазкур иш якунига етказилгач, 51 та маҳаллада яшаётган 204,4 минг аҳоли учун марказлашган оқова сув хизматларига шaroит яратилади.

“Қашқадарё сув таъминоти” АЖ масъулларининг таъкидлашича, юқоридаги йирик лойиҳалар амалга ошиши натижасида жорий йил якунига қадар аҳолини марказлашган ичимлик сув билан таъминлаш ишлари янада ортди. Демак, кўпгина ҳудудлардаги йиллар давомида ечилмаётган муаммоларга барҳам берилди. Яна қанчадан қанча маҳаллалардаги аҳоли таъминлаш ариб, қалбларга қувонч олиб қирилади.

Ақбар РАҲМОНОВ,
“Янги Ўзбекистон” мухбири

МИЛЛАТ МАНФААТИ УЧУН КУРАШЧИ

Шерзодхон ҚУДРАТХЎЖА,
Ўзбекистон журналистика ва
оммавий коммуникациялар
университети ректори,
сиёсий фанлар доктори, профессор

Бошланиши 1-бетда

Махмудхўжа Бехбудий ўз ҳаёти давомида миллат манфаатлари учун курашди. Унинг мероси Ўзбекистон тарихида алоҳида ўрин тутайди ва гоълар замонавий таълим тизимида ҳам ўз аксини топмоқда. Мутафаккир нафақат журналистика ёки адабиёт, балки ижтимоий-сиёсий ҳаётда ҳам изини қолдирган буюк шахсдир. Шу муқаддас туپроқ озодлигига бағишлаган, бугунги мустақил, ҳур, фаровон кунларимиз армон бўлган жаҳид боболаримиз умрини, ёшлик шижоатини, борлигини ана Ватан учун қурбон қилган. Умр мазмунини бойлик, дабдабаю шон-шухратда эмас, халққа сунъч, элга мададкор бўлишдек улуг бир саодатда деб билган.

Янги ислохотлар учун курашда миллат зиёлиларини бир мақсадга йўналтириш керак. Миллат манфаатлари билан оғлан улуг маърифатпарвар, жаҳидлик ҳаракати йўлбошчиси Махмудхўжа Бехбудийнинг қўйидаги сўзларига бир қўлоқ тутайлик: “Дунёда турмоқ учун дунёвий фан ва илм лозимдур. Замона



илми ва фанидан бебаҳра миллат бошқа миллатларга поймол бўлур”. Сўзсиз, жаҳидларнинг маърифий мероси миллат учун миллий ўзлик чашмасидир. Бугун жаҳид боболаримиз орзу қилган кунларга етдик. Президентимиз ташаббуси билан янги Ўзбекистоннинг замонавий демократик қиёфаси, мамлакатини иқтисодий, сиёсий жиҳатдан ривожлантириш босқичлари белгилаб берилди, Уччинчи Ренессанс — Ўйгониш даври пойдеворини қураётимиз. Жаҳид боболаримиз руҳи олдида қарзимизни узиб, давлатимиз раҳбари гоъларига елка тутайлик, Махмудхўжа Бехбудий орзу қилганидек, барчамиз аҳил, иттифоқ бўлиб, тилда, фикрда, ишда бир бўлайлик!

Баҳодир КАРИМОВ,
Ўзбекистон Республикасида
хизмат кўрсатган ёшлар мураббийи

Махмудхўжа Бехбудий бугун жонкуяр муаллим, ҳақиқий миллатпарвар, Ватан келажаги учун қайғурган фидойи инсон сифатида кўз олдимизда гавдаланади. Тасаввурга эрк берилса, “Мозий ҳақиқатнинг тарозусидир”, деган бу инсон гўё тарих қаъридан замона ёшларига, уларнинг амаллари ва интилишларига боқиб тургандек кўринади.

Бехбудий беданавоз бекорчи, лоқайд ва бепарво ёшларни ёқтирмайди. Илм йўлидаги саяё-ҳаракатларини ҳар қандай ишдан баянд қўяди. “Муслмон бўлиб туриб, тараққий қилайлик. Бу замон тижорат иши, сановат ва мамлакат ишлари, ҳатто дини ислом ва миллатга хизмат илмисиз бўлмайду”, деб ёзди у. Ёшларга дин аҳкомларини чуқур билидиган уламо ўлароқ, гарчанд Чингиз бориб бўлса ҳам илм олишдан маслаҳат берди. Жоҳиллар ёш болаларини бегона тилларни ўрганишдан қайтарган ҳолларда: “Гайриддиннинг илм ва ҳатини ўрганмоқ шариатча дурустдур”, деган ҳужмини айта олди. Фикр исботи учун мозийдан мисоллар, ҳадиси шарифдан кўчирмалар келтирди.

Бехбудийнинг шогирдлари устози васиятига қатъий амал қилиб, ёшларни дунёнинг турли илм марказларига ўқилишга юборди. Ёнг муҳими, хорижга кетётган аксарият ёшлар ўз авлод-аждодлари ҳаққи-ҳурмати илм олиб, Ватанга қайтиб, унинг тараққиёти учун илм билан хизмат қилишлари борасида Амир Темур макбараси олдида қасам ичди. Жаҳидлар қўлаган бундай чора ва тадбир иборатга муносиб.

УЛАР АЙТГАН ФИКРЛАР БУГУН ХАМ ДОЛЗАРБ



Нигора ЭЛМУРОДОВА,
докторант

Дунё яралибдики, инсон қарама-қаршиликлар, адолатсизликлар, жаҳолат ботқоқига ботмаслик, ўз ҳаётий ҳақиқатини топиш учун курашади. Аммо ягона ҳақиқат илм нури билан қалбларга жо бўлишини ҳам сонли инсонларгина англаб етди. Жаҳид маърифатпарварлари энг мураккаб замонда инсонларни уйғотишга киришар экан, бу йўлда ўз жонларини қурбон қилишдан ҳам қўрқмади. Орадан қарийб бир аср вақт ўтди. Бироқ улар айтган фикр ва мулоҳазалар бутун ҳам олдингидек долзарб. Магистрлик диссертациясини ёзиш давомида бунга яна бир бор амин бўлдим.

Жаҳидлар миллий матбуотни жамоатчиликнинг кенг қатламларига гоъвий таъсир

ўтказишнинг энг муҳим қуроли деб ҳисоблаган. Замонасининг энг йирик савдогарларидан бири, “Тужжор” газетаси асосчиси Саидқарим Саидазимбой ўғли ўз мақоласида халққа мурожаат қилиб, матбуот ҳақида қуйидагича фикр билдирган эди: “Эй диндошлар, замонамиз матбуот оламнинг энг тараққий қилган замонидур. Ҳозирги вақтда ҳар бир миллатнинг кўнгли газета шўъласи ила мунаввар ўлмишдур ва ҳар қавмнинг кўзи унинг кўзгуси ила кўрмишдур. Унинг воситасида халқ оламидан хабардор бўлгани каби ўз ҳолидин ҳам хабардор бўлур”. Ва бунга қўшимча қилиб газетани дунёни барқароратган адолатли ҳукумдорга қиёслаб, шох ҳам, гадо ҳам баробарлигига алоҳида эътибор қаратган. Газетага асос солишининг сабабини эса қуйидагича изоҳлаган: “...Энди билдимки, Туркистон муслмонлари ҳеч нарсасга ўз тилларида ёзилмиш бир газета каби муҳтож эмас экан. Халқнинг ҳар қанча эҳтиёж ва ҳуқуқлари бор бўлса ҳам ҳеч бири газетасиз қўлга қирмас, чунки замонамиз матбуот замонидур, ҳар қанча ҳуқуқи диний ва дунёвийсини, эҳтиёжи миллия ва молиясини ёлғиз матбуот ила талаб қиладиган замондур”.

36 та сони нашр этилган газетда нафақат мулкдорлар манфаати, балки халқ эҳтиёжларига хизмат қила оладиган иқтисодий масалалар билан бирга ижтимоий-сиёсий, маданий ва маърифий мақолалар ҳам ёритилган.

Ҳалим САИДОВ,
филология фанлари доктори,
профессор

Улуг маърифатпарвар бобомиз Абдулла Авлоний “Самарқанд” — элу халқнинг кўзини очишга боис бўлди, деган фикрини аллома Махмудхўжа Бехбудий таъсис этган нашрининг ўз давридаги аҳамияти ҳақида айтганди.

1906 йилдан 1907 йилгача Тошкентда чоп этилган “Тараққий”, “Хуришд”, “Шухрат” каби жаҳид газеталари таъқиққа учраб, қисқа фурсатда ёпилиб кетди. Озодлик йўлида фикр тарқатадиган нашр заруратини ҳис қилган Бехбудий 1908 йилдан газета очиш ҳаракатини бошлади. Мустамлакачилар йўл бермайдилар, лекин тиришқоқлик билан йўл излашда давом этади ва ниҳоят беш йиллик қўғозбозлиғи сарсонгарчиликлар натижасида ниятига эришади. Бехбудийнинг замондоши Садриддин Айнидан иқтибос: “1908нчи йилдан ўз идора-синда бирон газета чиқармоқ фикрига тушуб, 1913нчи йил апрель ойида бу мақсадига етишуб “Самарқанд” газетасининг бир неча рақамини чиқаришга муваффақ бўлган”.

Абдулла Авлонийнинг фикрига келсак, дарҳақиқат, “Самарқанд” ўзиндан аввал чиққан нашрлардан фарқ қилди. Бунда Бехбудийнинг матбуот соҳасидаги тўплаган тажрибалари қўл келган.



Газетанинг ўзгачалигига биринчи далил шунки, ўзгача ҳеч бир нашр уч тилда чиққан эмас. Ношир ва муҳаррир ўз мақоласида газетани неча уч тилда чоп этаётганини бундай изоҳлаган: “Самарқанд” жаридаси ўзбек, форсий ва русий тилларида ва Туркистоннинг ўрта шева-синда таъсис этилиб туриб эди. Мундан мақсад шул эдики, Бахри Ҳазардан бошлаб жанубдаги Афғонистон фасили, Аму нахри ўртасиндаки васеъ аросига сокин турк ва тожик биродарларимизга бир қадар тоқат хизмат этмак ва аларни ҳолига ва ижобати асрия, вақо-ийъ замонияда ва Руссия култури, илми, хунари ва сановатга ошно бўлишларига ожизона ташвиқ этмоқдин иборат эди. Мактаб бўлсун, мадраса бўлсун, ислоҳ ва тараққийсига ёрдам учун халқни даъ-

ват этмоқ эди. Фосид урф ва ботил расмларни, ёмон одатларни шаръан ислоҳига қўшилиш этмоқ эди”.

Қолаверса, ўз даврининг тараққийпарвари ва донишманди бўлган Бехбудий ўзигача ёпилиб кетган нашрлар тажрибасидан хулоса қилиб, газетдаги сиёсат бўладими, иқтисод ёки халқро ҳаёт мавзуси бўладими, уларнинг ба-рини маърифий ўзига бурди. Газетда мустамлака исқанжасида туриб бўлса-да, миллат бошларини ўқитиб, ўзлигини танитиб, маърифат воситаси-ла озод-ликка эришиш гоъси тарғиб этилди. Бу йўлда тахририят жамоаси барча турдаги ахборий, таҳлилий, бадийи, ҳажвий ма-териаллари билан шу маслакка собит турди. Нашр ана шу жиҳатлари билан элу халқнинг кўзини очди!

Бехбудий Туркистон миллий матбуоти тарихида журналистика асос солган ношир ва муҳаррирлар. “Ойна” журналини очиб учун газетга руҳсат олиш каби беш йил югур-югур, қўғоз-бозлик қилмаган бўлса-да, муайян тў-сикларга дуч келди. Ҳусусан, журнал матбаа корхонасига топширилишдан икки кун олдин чоп этишга тайёрланган материалларни ҳарбий цензурага келти-риб, ўқитиб, руҳсат олиниши муҳаррир зиммасига юклангани архив ҳужжатла-рида сақланмоқда.

Эҳтиёт чоралари шу даражада кўри-лан бўлса-да, “Туркистон вилоятининг газети” (“ТВГ”) журналда чоп этилган

Сайёра ҲАЛИМОВА,
филология фанлари номзоди,
доцент

XX аср бошларида Туркистон миллий уйғониш ҳаракатининг йирик намоянда-си Махмудхўжа Бехбудий мероси, унда ил-гари сурилган илгор гоълар нафақат бизни, балки башариятни тафаккур зиёси томон қорлайверади. Буюк жаҳид маърифатпар-варининг қалб дафтарига қўлоқ тутиб кў-ринг-а:

“Дунёда турмоқ учун дунёвий фан ва илм лозимдур. Замона илми ва фанидан бебаҳра миллат бошқа миллатларга пой-мол бўлур”;

“Тўй ва таъзияга сарф қилинатургон оқ-чаларимизни биз, туронийлар илм ва дин йўлига сарф этмас, ...оврупойилардек та-раққий этармиз ва ўзимиз-да, динимиз-да обрўй ва ривож топар”;

“Тараққий этган миллатлар оналари ўқутар экан, биз аввал онамизни ўқутуб, анга тил ўргатуқоқимиз керак. Чўнки бизни илм ва тилсизлигимиз аларданлар”.

Бу жумлалар битилганига бир асрдан зиёда вақт ўтди. Аммо улуг бобомизнинг бу илгор фикрлари XXI аср буюк каш-фиётлар, мураккаб глобаллашув жараё-нида ҳам ўз моҳиятини асло йўқотганини йўқ, Шу боис, улгайиб келётган ёш авлодин руҳан барқамол, ватанпарвар, замона илмидан хабардор қомил шахс этиб тарбиялашда жаҳидлар меросидан оқилона фойдаланиш, уларни чуқур ўр-ғанаш мақсадида 2020 йилда ЎЗЖОҚУда



Махмудхўжа Бехбудий номидаги жаҳид публицистлари илмий мактаби ташкил этилди ва унинг фаолиятига университет профессор-ўқитувчилари, магистрлар ва бакалаврият йўналиши талабалари аъзо этиб бириктирилди. Илмий мактабнинг бир йиллик иш режаси доирасида бир қатор амалий ишлар бажарилмоқда. Жум-ладан, 2021 йил 19 январдан анъанавий тарзда Махмудхўжа Бехбудий таваллуд кўни муносабати билан халқроқ илмий-амалий конференция ташкил этилди. Унда дунёда келатган глобаллашув жа-раёнида жаҳид матбуотининг, хусусан, Бехбудий меросининг ўрни ва вазифала-ри, ўзбек публицистикасининг илк мил-лий нашрлари, жаҳид публицистлари мероси илмий-назарий таҳлил қилинади ҳамда тегишли тақлиф ва тавсиялар иш-лаб чиқилади.

ҚАҲРАМОНЛАР УНУТИЛМАЙДИ!



Аҳлиддин ТУРСОНОВ,
талаба

Мустақиллик туйғайли халқимизга қайтарилган, тортиқ қилинган инъом-лар кўп. Юрт озодлиги, халқ бирдамлиги учун курашган жаҳид маърифатпарвар аждодларимиз хотирасининг тикланиши бу инъомлар ичида энг олийсидур. Сўнгги йилларда жаҳидчилик ҳаракати намоён-даларининг ҳаёти, фаолияти ва илмий-маънавий меросини ўрганиш кенгайган. Ёш авлод қалбига жаҳидларга муносиб авлод бўлишдек муқаддас туйғуну шакл-лантиришга интилиш кишини хурсанд қилади. Президентимизнинг “Туркистон жаҳидлик ҳаракатининг асосчиси, атоқли

ҳар ерда суйиб ўқилур эди”, дейди. Аб-дулла Авлоний эса “Бу журнал “Ойна” чиққунча чиққон журналларнинг энг би-ринчи ва яхшиси эди”, дея баҳо берган.

Икки нашрининг бетакор муҳарри-ри миллат зиёлиларидан мақола ёши-ларини мунтазам сўраб турди. Газета ва журнал тахмалларини кўздан ке-чирарканмиз, унда таникли муаллифлар қатнашганига гувоҳ бўламиз. Хусусан, “Самарқанд” газетасида Мунавварқо-ри Абдурашидхонов, Абдурафқ Фитрат, Ҳожи Муин ўз ижодлари билан иштирок этган бўлса, “Ойна”да уларнинг сади Сандризо Алӣзода, Сиддиқий, Акобир Шомансур, Муҳаммад Саъид, Саидҳа-мад Васлий, Тавалло, Садриддин Айний, Ҳаким Бухорий, Нийёзий Ражабзода ва бошқа зиёлилар ҳисобига кенгайган.

Шунингдек, бу икки нашр публицист Бехбудийнинг энг сара мақолалари чоп этилгани билан ҳам аҳамиятли. “Тахсил ойи”, “Миллатлар қандай тараққий этар-лар?”, “Эҳтиёжи миллат”, “Икки эмас, тўрт тил лозим”, “Миллатни ким ислоҳ этар?”, “Фавқулодда тақфир”, “Бизни ҳоллар ва ишлар”, “Ёшларга мурожаат”, “Тигир надувр?”, “Танқид сараломқодур”, “Туркистон тарихи керак”, “Ватанпар-варлик керак”, “Исмоилбек ҳазратлари”, “Шердор мадрасаси”, “Улутбек расадхо-наси”, “Саъаёт хотиралари” каби публи-цистик асарлари шулар жумласидандир.

Журнал журналистикаси билан га-зета журналистикаси ўртасида муайян фарқлар мавжуд. Бехбудийнинг муҳар-рирлигида чоп этилган “Самарқанд” газетаси ва “Ойна” журналини қиёсла-ганда бу ўзига хосликлар сақланганини, яъни икки нашр ҳам ўз зиммасидаги ва-зифани бажарганини англаймиз. “Ойи-на”да берилган мақолаларнинг ҳажми кенгроқ, чуқур таҳлилий ва албатта, ха-барлар “Самарқанд” газетасидагига нис-батан кам.

Жорий йил Президент қарорига кўра, Махмудхўжа Бехбудий таваллудининг 150 йиллиги кенг нишонланмоқда. Мил-лат озодлиги йўлида гоҳ муаллим, гоҳ ёзувчи, драматург, публицист, мутаржим, муфтий, иқтисодчи, сиёсатчи, ношир ва муҳаррирликни ҳам аъло даражада, сид-қидилдан бажарган Бехбудий ва унинг издошлари мангу эҳтиромга муносиб-дир.

УШБУ МАҚОЛАНИ ҚОРАҚАЛПОҚ ТИЛИДА ХАМ
ЎҚИШ УЧУН QR-КОДНИ СКАНЕР ҚИЛИНГ!



ЖАДИДЛИК ИЛМИЙ МАКТАБИ

Нилуфар НАМОЗОВА,
филология фанлари
номзоди, доцент

Туркистон жаҳидчилик ҳара-кати дунё илм аҳли эътиборини тортиб келатган мавзулардан бири. Юртимизда ҳам жаҳид бо-боларимиз фаолиятини ўрганишда самарали ишлар қилинди. Аввало, номлари оқланди, маданий мероси ўрганилди. Асарлари чоп этилди. Бироқ ҳанузгача тўла ўрганилма-ган, тадқиқ қилинмаган жиҳатлари бор. Жумладан, уларнинг шўро давридаги фаолияти, ўтган асрнинг 20-30 йиллари матбуотидаги мақолалари тўла ўр-ғанилгани йўқ.

Большевиклар ҳокимияти тепасига келгач, дастлаб бошқа ишлайдиган “кучлар” бўлмагани учун матбуот-га жаҳид журналистлар қайб қилинди. 20-йилларда жаҳидлар матбуотда ташкилотчи, бош муҳаррир ва бошқа лавозимларда ишлади. Бироқ шўро ҳукума-ти мустаҳкамлана боргач, ўзининг янги кадрларини етиштиришга аҳамият қаратди. Ишчи-деҳқон мухбир-лари ҳаракатини йўлга қўйиб, “мухбирлар армияси”-ни ташкил қилишга киришди. 1925 йилдан бошлаб бу ҳаракат бутун Ўлкага ёйилди. Бора-бора фаолиятдаги журналист кадрларни “мафжуравий тўғри”лари билан алмаштирди.

Аслида, 1921 йиллардан жаҳидларни матбуотда ошқора миллатчиликка айлаш бошланди. 1926 йилга келиб, “Қизил Ўзбекистон” газетасида зиёлилар ма-саласида ўнлаб мақола чоп этилди. Бу мақолаларда



зиёлилар икки гуруҳга: октябр тўн-таришидан олдин ва кейин етишиб чиққанларга ажратилди. Шўролар ҳукумати ўрнатилгунча фаолият юритган зиёлилар “жаҳид ўзбошим-чалари”, “ўзларини тараққийпарвар кўрсатиб, халқимизни Европа ҳукм-дорларига сотиб юбормоқчи бўлган савдо-сановат ҳодимлари”, “улар зиёли эмас, зиёнчилар” деб атала бошланди. Улар “миллат”, “тараққиёт” деб бонг урувчилар, аслида, ишчи-деҳқон учун миллатнинг, тараққиётнинг бир пул”, деб қораланди. Шундай бўлса-да, жаҳидлар ташкил этилган ўнлаб нашрларда жаҳид-лар астойдил ишлади. Ўзларининг миллат манфаати учун зарур гоъларини ёйишга ҳаракат қилди. 30-йил-ларга келиб, жаҳидларнинг кўпчилиги матбуотда оддий мусахҳиҳ лавозимига тўширилганини кўриш мумкин. Мана шу ўн йилликлар матбуотини ўрганиш бугун тад-қиқотчилар олдидаги вазифа.

Ўзбекистон журналистика ва оммавий коммуника-циялар университетига ташкил қилинган “Жаҳидчилик илмий мактаби” мана шу даврни ўрганишга ҳам алоҳи-да эътибор қаратмоқда. Ёш тадқиқотчилар ўша даврда чоп этилган газета ва журналларни ўрганиб, мақолалар ёзмоқда. Бу мақолалар матбуотимизда чоп этиб бори-лаётгани бизни қувонтиради. Келажакда тадқиқотларни тўплаб китоб чиқариш, жаҳидлар қаламига мансуб ма-қолаларни ҳозирги алифбомизга ўтириб, хрестоматия-лар тузиш ниятдадими.

Жаҳидлар учта жиҳатни — миллат ўзлиги, динини сақлаш ва тараққиётга эришишни мақсад қилган. Улар-нинг маданий меросини ўрганиш бугун ҳам долзарб.



Бошланиши 1-бетда

Билмадим, йиғилишда ўша ўтмиш рутубатли манзараларни кўрган беш-ўн одам демаса, аксарият ёш, ўрта ёш раҳбар, соҳа тармоқларига мутасаддилар иштирок этаётганди. Видеоселектор тарзида ўтказилиб вилоятларни қамраб олган издиҳомда жойлардаги оқсоқоллардан вакиллар ҳам бор эди, чамамда. Лекин, асосан, сўнгги 7-8 йил ичи жамоаларни бошқараётган ўрта ёш бўғинидаги ука-сингилларимиз. Балки уларга ўша йиғилиш асносидаги тафсилотлар кунда, кунора бўлиб турган мажлис йиғинлардан фарқлимасдир. Демак, улар топшириқ ва вазифаларни бевосита хизмат ва лавозим мажбуриятидек қабул қилган. Аслида, шундай бўлиши ҳам табиий. Аммо мен ва менга тенгдошу биздан ёши улуг қатнашувчилар қалбида ҳиссиётлар жўш урганни аниқ. Камина мажлисдан қайтаётиб, ҳаяжону таассуротларини кўрган-билган одамимга айтиб келавердим. Чунки ҳиссиёт тангага сикмади, қайта-қайта изҳори дил эҳтиёжи тинч қўймади. Ҳаёлимда аини йиғилиш пайтида худди экранлардаги “югурик сатрлар” каби улуг бобомиз Алишер Навоийнинг оламга машҳур байти ўтиб:

Кимки бир кўнгли бузқўнинг хотирин шод айлағай,

Она борким, Кабба вайрон бўлса обод айлағай.

Ижтимоий ҳимоя лугавий маъносига кўра, энг аввало, инсон муҳофазаси, бева-бечора, етим, ногиронларга мурувват кўрсатмоқ, Фақир-фуқаронинг қаддини тикламоқ, умргузаронлигини таъминламоққ демаядир. Бу рортпарварлиқнинг бош жиҳати, ҳар бир раҳнаманинг эл-улус олдидаги бури, олий вазифаси. “**Ижтимоий адолатли фуқаролик жамияти**” деган иборанинг асл моҳият-мазмунни ҳам шудир. Унга амал қилган раҳнамо халқнинг эътирофини қозongan бўлса, бева-бечорага мурувват ва саховатни байроқ қилиб кўтарган юрт отаси ўз ному ва шайини шон-шарафга бурканган, дунё саодатини топган. Назимда, мен гувоҳи бўлган издиҳом ижтимоий ҳимояни янги Ўзбекистон узра баланд туғ мисол тутмоққа даъват этган мажлис бўлди ва шуниси билан тарихий аҳамият касб этди.

Бундан беш-олти ой аввал Ҳазрат Алишер Навоий қадамжоси бўйлаб илмий сафарга чиққан ўн чоғли навоийшунос олимимиз Эроннинг Машҳад шаҳрига борди. Ҳазрат бобомиз ёшлик кезлари бу шаҳарда ўқиган, саккиз йилдан ортиқ шу ерда яшаган, вақти етиб Хусайн Бойқаро салтанатида ижтимоий-сиёсий фаолият билан машғул эканида Машҳаддаги Имом Али Мусо ар-Ризо мақбараси ёнида кейинчалик Ғалвирхона деб шухрат топган бир маъзил барпо этган экан. Бу маъзилда ҳар кунни катта дошқозон қайнаб, бугдой, жўжора ва бошқа бошоқли ўсимликлардан тўйимли суяк таом тайёрланиб, атроф-муноибдан бева-бечора, фақирно ногирон, мусофиру йўловчилар келиб, шу масканда иссиқ овқат тановул қилиб кетар экан. Бу ҳақдаги маълумотлар Ҳондамирнинг “Мақорим ул-ахлоқ” асарларида ҳам қайд этилган.

Қарағки, Ҳазрат бобомиз ҳаётлик кезлари мунтазам давом этиб турган бу муруватпешалик ундан сўнг, ҳатто шу кунгача ҳам узлуксиз бардавом бўлиб, ҳозир кунига 70 минггача одам келиб шу маъзилда таомланиб кетаркан... Камина ўша навоийшуносларга бош бўлиб борган дўстимиз, Алишер Навоий халқро жамағмаси раҳбари Олимжон Давлатдан қайта-қайта бу ақл бовар қилмас ҳодиса ҳақида сўрайман: “Наҳотки, 500 йилдан бери шу жараён кечаётган бўлса?!” “Ҳа,— дейди Олимжон,— бирор кунни тўхтамай, йилнинг тўрт фасли кунбақун бардавом бу жараён. Ўзим ҳамроҳ адби-миз Эркин Аъзам билан бориб, ўша иссиқ суяк таомдан тановул қилдик”.

Е қудратингдан!.. Мана, Ҳазрат бобомизнинг номини, жисмоний вафотидан кейин ҳам беш асрдан бери раҳмат нурига буркаб, неча-неча авлодлар қалби, тафаккурда безавол сақлаб келаётган энг олий амалларидан бири.

Адабий-бадий ижоди, илмий мероси, туркий адабий тил асосчиси ўлароқ, барча туркий элларни бир қалам остида жамуллашган этгани, арбобу мансабдорлик мақомидида қилган ишлари бир тарафу ана ўша муруватпеша саховат-пешалиги бир тараф бўлиб, ҳассос шоиримиз Эркин Воҳид айтмоқчи: “Ҳазрат бу дунёнинг одами эмас”, деган икорларни бот-бот ҳаёлга келтиради.

Бундай қиёс қилса, бугун юртимиз раҳнамоси илгари сураётган ижтимоий ҳимоя



Шухрат РИЗАЕВ,
Ўзбекистонда хизмат кўрсатган
ёшлар мураббийси, профессор

тадоригини Ҳазрат бобомиз Алишер Навоий муруватпешалигининг қарийб 38 миллион нуфусли Ўзбекистонда давлат сиёсати даражасига кўтарилиб, неча минг қарра миқёсдиқроқ ва тармоқдиқроқ шаклдаги давоми, янги давр, янги шароитлардаги буюк инсоний аънамага садоқати дея хулоса қилиш мумкинидир балки.

Шу йиғилишда Президентимиз бир неча йўналишда имконияти чекланган юртдошларимиз кечмиш тақдири билан боғлиқ ҳаётини масалаларни алоҳида-алоҳида таснифлаб, аини шу йўналишлардаги мисол-намуналарни турли вилоят ва ҳудудлардаги инсонларнинг умргузаронлиги намунасида кўрсатиб берди. Камида беш вилоятнинг туману шаҳарларидаги тажрибалар намоиши этилди. Дастлаб Са-

Ирода ва қатъиятини намоён этган Дилором Йўлдошева барчамизга ибрат ўлароқ замонавий дунё кишиларига интилиш руҳиятини бағишлайдиган матонатли аёллар мисолида халқро ташкилотлар тартиблайдиган 100 (юз)лик рўйхатга қайд этилибди. Ана сизга эътироф ва шараф.

марқанднинг Тойлоқ тумани мисолида Зарина Зоҳидова исмли мураббий қизимиз ўз янгилигини айтиб берди. У шахсий ташаббуси билан Илк ижтимоий ривожланиш маркази очиб, қамбағал ва ногиронлиги бўлган оилалар болаларини мактабгача таълим билан қамраб олиш тажрибасини ўртоқлашди. Самарқандда яшган ҳоким вазифасини бажаришга ўтган Адиз Бобоев Заринанинг тажрибаси ва умуман, ногиронлик, турли касалликлар олдини олиш хусусида ўз кузатиш, амалий таҳлиллари ҳақида гапирди. Каминани мамнун этган ҳол Самарқанднинг янги раҳбариди ўзига ишонч, масаланинг моҳиятини теран англаб, жонқурлик билан фикр билдиргани бўлди. Ҳа, ҳоким одамларга бефарқ эмас, жони куйиб гапирди. Жамият ҳаётига қўяётган дадил ташхисларидан мамлакатимизнинг кўҳна кентидида ижтимоий ҳаёт қизгин тул олиншдан умидвор бўлиш мумкин. Ҳалолли бўлсин, забти синмасин, илоҳи!

Юртимиз раҳнамоси “Тойлоқ тажрибаси”ни бутун мамлакатга ёйиш вазифасини вилоят ҳокимларига топширар экан, **чорасиз одамларни — ногиронларни ҳаётга, нурли**

ҳаётга қайтарш, оилаларга миллий нур, кўёш киргиза билиш — ижтимоий давлат деган тамойилга эришининг йўли шу эканини қатъий фикри ила ифода этди.

Янги бир образли ифода “**оилаларга, одамлар қалбига кўёш киритиш**” аини издиҳом руҳига мос шоирона фикр бўлди.

Мен эса бу фикрни Сирождидин (Саййид) шоир эшитдимикан деган ҳаёлда ёндафтаримга қайд этилман: “**Бу тажрибани ҳужжатли фильм қилиш керак!**”.

Орадан 5-6 дақиқа ўтиб, яна бир ҳужжатли фильм учун мавзунин белгиланди. Энди давлатимиз раҳбари Тошкент шаҳрининг Мирзо Улугбек туманидаги “**Ҳамроҳ**” номли хусусий тадбиркорлик ташкилоти тажрибаси ҳақида сўз юрита бошлади. Ташкилот раҳбари 35-40 ёшлар чамасидаги Акмал Алихон Нурилла ўғли Алиев — врач-психиатр. Президентимиз даъвати билан чет элдан қайтиб, касб малакасини юртида фаол истифода этаётган йигит. Қилган иши ижтимоий тадбиркорлик — аксарият меҳнатга лаёқатсиз ёки тамомила ётиб қолган ногиронларга руҳий, тиббий хизмат кўрсатиш. Ҳа, ҳақиқатан, ҳаётини ҳамроҳлик, ҳаминишчилик хизмати.

Шу тобда ўз кечмиш йўлларимда учратган ногирон, бева-бечора, савдоий, халқ тили билан айтганда, “парти теккан” кимсалар ҳаёлимдан ўтди.

Ногирон ким, аслида? У ҳар кунни йиғлайдиган одам. Ўз чорасизлиги, бечоралигидан қалби вайрон, ҳаммаша меҳрга муҳтож инсон. Ҳозир ўзи ҳаракатлана олмайдиган 23 минг кимса бор экан. Шундайларга ҳаминишчилик учун “**Ҳамроҳ**” ташкилоти хизматга шай. Ижтимоий хизматчи номини олган ҳодимлар энди фақат чўнтаги кўтарган шахсарлагина на хизмат қилмақди. Аини пайтда қамбағал хонадоннинг ҳам ногирон аъзоларига руҳий, тиббий, маънавий хизмат кўрсатади. Унинг ҳақи эса ўша тадбиркорлик субъекти орқали

чекланган инсонларга бундай қулайликлар яратиш жуда муҳим. Чунки улар ҳам ҳар қандай жисмоний тўқис инсонлар каби тўлиқ жисмоний ва руҳий-маънавий ҳаёт сурури билан яшашни истади. Шу маънода, уларга турлича ҳаракатлар учун жойларда мосламалар ўрнатиш, кўзи ожиз ёки қар-соқовлар учун брайль ёзуви, сурдо таржима каби вос-



талар жорий этиш корхона-муассаса ва барча шаҳару кентларда мажбурий вазифа этиб белгиланиши, бу юзасидан ижро талабини қучайтириш мазкур мажлиснинг яна бир муҳим йўналиши бўлди.

Жиззахда “**Моно-электрик**” деган хусусий корхонада ўнлаб ногиронни иш билан таъминлаган **Ғанижон Тўрғунов** мисолида бундай хайрихоҳ муруватпарварлик мактабли, ана шундай фаолият учун тадбиркорларнинг ижтимоий солиқларини 1 фоизгача тушириш масаласи илгари суриди. Демак, солиқча тортилмаган маблаглар тўғридан тўғри корхонани ривожлантиришга ва албатта, ногирон ишчи, хизматчилар учун қулайлик ва янги иш ўринлари очишга йўналтирилади.

Ҳўш, шундай тадбиркорлик тажрибаси бевосита ногирон шахсининг ўзи томонидан амалга оширилса-чи? Шундай ҳолат деновлик **Дилором Йўлдошеванинг** фақуллода қатъияти ва матонатли туфайли содир бўлган. Уч йиллар аввал тасодиқий фалокат туфайли икки оёғидан айрилган ўрта ёшли жувон қишлоғида тикув цехи очиб, қирқ чоғли аёлни иш билан таъминлабди. Ваҳоланки, қисмат шу экан дея тақдирга тан бериб, яқинларига қарам, давлат берадиган нафакани ойма-ой кутиб, кимдир инъом этадиган миннатли ош умидида нурсиз умргузaronликка кўниб яшаш ҳам мумкин экан. Аммо ирода ва қатъиятини намоён этган **Дилором Йўлдошева** барчамизга ибрат ўлароқ замонавий дунё кишиларига интилиш руҳиятини бағишлайдиган матонатли аёллар мисолида халқро ташкилотлар тартиблайдиган 100 (юз)лик рўйхатга қайд этилибди. Ана сизга эътироф ва шараф. Дунёки эътироф этганини биз-да улуғламоғимиз, шундай тақдир кишиларига ҳар томонлама эътибор кўрсатмоғимиз ҳам қарз, ҳам фарз, албатта. Президентимиз шу издиҳомнинг ўзиндаёқ ҳаммамизни кўнг ўнгидан ойнай тарзда Дилором Йўлдошевани “**Мардлик**” ордени билан мукофотлагани хусусидаги фармон ўқиб эшиттирилиб, олий нишон эгасига топширилди. Қизиги, шу даврга қадар фақат эркакларга, айниқса, Ватан қимючилирига топшириб келинган мукофот ноанъанавий тарзда аёлга берилди. Инчунин буни ҳеч ким нотабиий ҳол деб қабул қилмади.

Камина шу тобда чандон тўлқинланиб, дафтаримга “**Албатта, фильм яратиш керак**”, деб ёзиб тургандим, давлатимиз раҳбари фикрини иллагандек, кино ва маданият, оммавий ахборот воситаларини тилга олиб, деновлик қизимиз ҳақида фильм ва спектакллар яратиш борасида топшириқлар берди. Топшириқни қайд этарканман, яқин-яқингача “**замонавий қаҳрамон**” образларини яратиш деган не-не ҳужжатларга жо бўлган, аммо қозғаларда қолиб кетган фикрлар ҳақида ўйладим. Мана, ўша топшириқлар, вазифалар ижроси амалий жиҳатдан энди-энди етилиб келибди. Узоққа бормай, шу йиғилишнинг ўзиндаёқ замонанинг тўрт-беш қаҳрамони кашф этилганини

алоҳида таъкидлаш ўринли. Бу борада яна бир ҳазин мулоҳаза ҳаёйдан ўтади.

Очиги, 7-8 йил аввал **шахс** деган тушунча биз учун фақат узок ўтмиш — тарихда деб ўқтирилгандек эди. Нима учундир замондош буюкларимиз эл-юртда эътироф топса-да, замона сахнасига чиқарилавермади. Ўёки биз одам жамиятига одамсиз — **шахсларсиз**

нинг ўзини-да касал қиладди. Ана шундай умидсиз, сўниқ ахволда умргузaronлик қилаётган Маҳбарохон ўз ёнига қоврилиб юрганида маҳалланинг ижтимоий хизмат ходими маслаҳати билан Мурувват уйига бориб, боласини кундузи парварिश гуруҳига берибди. Абдураззоқ кундузи уйдагидан кўра яхшироқ шароитда парварिश топиб, Маҳбарохон соғлом ўғил тарбиясно турмуш ўртоғи қаторида хонадонга озгина рўшнолик киритишга муваффақ бўлибди. Кўзида ёш билан издиҳом аҳлига чеккан азоби ҳақида сўйлаб, ўзи ва у қабиларни рўшноликка чиқарган давлатимиз раҳбарига қалб ташаккурини изҳор этди. Назаримда унинг миннатдорлик гирияс йиғилиш қатнашчиларининг ҳам қарогини намадди.

Шу аснода Президентимиз яқин ўтмишдаги бир ҳақиқатни таъкидлади. Кечаги кунларда ногирон, бева-бечорага мурувват деб гўё **уч кило недир кўтариб, ўтгизлаб одам қамбағал хонадонга кириб борарди**. Муруватими ёки миннатми, тушуниб бўлмасди. Ахир ўнг қўлинг берганини чан қўлинг билмасин деган тушунчаларнинг қайда қолди экан бу ҳаракатлардан кейин?!

Ҳақ гап, қуруқ рақаму “хўжақўрсин” ҳисоботлар кимга керак? Ўша тобда Андижондаги мажлисхонада туриб, йиғилишда қатнашаётган муфтий ҳазратлари Нуриддин ҳожи Холиқназар издиҳомнинг моҳият-мазмунига оқилона аниқ баҳо берди: “**Юрт отаси кўрсатаётган эътибор етимпарварлиқнинг бе-назир намунаси**. Пайғамбаримиз (с.а.в) дини ислом йўлидаги уруш-савашлардан тир ҳолга келганда элдиги етим-есир, бева-бечораларни майдонда тўллашни буюрибдилар. Саҳобалар қизгин паллада бундай ҳаракатнинг сабабини сўраганларида у улуг зот ўша етиму бечоралардан уруш музаффарияти учун Аллоҳдан дуо сўрашларини айтибдилар..”.

Мантиқки, етим-есир, бева-бечоранинг дуоси ҳар қандай ўзга дуо-иттижолардан баландроқ ва ижобатлироқ экан.

Йиғилиш якунига етар экан, Президентимиз Олий Бош Қўмондон сифатида муурожаат этиб, мураққаб тақдирли болаларни тизим тарбиясига олиш тажрибасини аянда кенгайтириш ва уларни миллий ўзлигини танийдиган мард ўғлонлар қилиб тарбиялаш борасида топшириқ берди.


Йиғилишда янги ташкил этилган Ижтимоий ҳимоя миллий агентлигининг яқин ва узок истиқболли вазифалари аниқ кўрсатилди. 2024 йилдаёқ агентлик жамиятимизда ўз ўрни ва овозини топа билди. Не-не халқро ва маҳаллий ташкилотлар билан ҳамкорликда ишлаб, халқимизнинг барча қатламларидаги ёшу қари, ногирон, муҳтож, бева-бечора кимсаларнинг огирини енгил, мушкулчини осон этишга эришди. Шунинг учундир балки муфти ҳазратлари ўз чиқишида бу ташкилотни “**Инсоф агентлиги**”, деб алқадди. Уларнинг жонбозликларидан мамнутини изҳор этди.

Ҳар сафар шундай йиғилишлардан кейин мамлакатимиз раҳбарига ҳурматим ошиб, ҳатто инсоний меҳрим жўшиб, Яратганга шукрона айтман — шундай юртда тугилиб-ўсиб, дориламон кунларда яшаётганим, адолатли, жонқуяр, фидойи раҳнамога замондошлигим учун.

2025 йил кириши арафасида Ўзбекистон оммавий ахборот воситаларида янги хабар тарқалди: Фаластиннинг Рафоқ шаҳри (Ғазо секторининг энг кўп жабр кўраётган манзил)дан 100 нафар жабрдийда — қаттиқ жараҳатланган болалар, аёллар, кексалар ўз ҳароҳлари билан “Ўзбекистон ҳаво йўллари”да Тошкентга олиб келинди. Ўзбекистон телевиденисидида кўрсатилди — маййибу мажруҳ кимсалар муолажахоналарга олиниб, шопишланиб даволяланти. Меҳрибонлик кўрсатишга, меҳр берилапти. Бу ҳам бани инсонга муруватнинг кўриниши. Зеро, нафақат ўз юртимиз, оламдаги бори одам қавми Аллоҳники бўлгани каби унинг ердаги соясидан ҳам нур топтиги, малҳам топтиги.

Ҳа, буюк шоиримиз Эркин Воҳид айтмоқчи:

Онаизоринг замин,
Танҳо йўғу боринг — замин,
Хаста беморинг — замин,
Ўғлон ўзинг, дармон ўзинг!



“Янги Ўзбекистон” ва “Правда Востока” газеталари таҳририяти” ДМ	Бош муҳаррир: Салим ДОНИЁРОВ	Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди. Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар. Газета таҳририят компьютер марказида сақлаланди. Газетанинг полиграфия жиҳатдан сифатли чоп этилишига “ШАРҚ” НМАК масъул. Босмахона телефони: (71) 233-11-07.	Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги томонидан 2020 йил 13 январда 1047-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 236. Буюртма Г-146. 35033 нусхада босилди. Ҳажми — 3 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А2. Баҳоси келишилган нархда.	Навбатчи муҳаррир: Дилшод Усугмуродов Мусаҳҳих: Насиба Абдуллаева Дизайнер: Хурид Абдуллаев Манзилимиз: 100060, Тошкент шаҳри, Шаҳрисабз кўчаси, 85-уй ЎзА якуни — 21:25 Топширилди — 00:30
Қабулхона: (71) 233-56-33 Девонхона ва эълонлар: (71) 233-70-98 E-mail: info@yuz.uz Веб-сайт: www.yuz.uz (71) 233-47-05				“ШАРҚ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди. Босмахона манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41-уй.